



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2017-yil 1-fevral, chorshanba

№ 5 (1016)

1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan

Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz

www.hurriyat.uz

Китоб тафаккур қанотидир

Телевизор, радио, интернет ва бошқа техник воситалар бўлмаган замонларда ота-боболаримиз шам ёруғида, сандал атрофида ўтириб китобхонлик қилганлар. Барча китобдаги воқеалардан таъсирланган, қахрамон қувонса, кўшилиб қувонган, гамгин бўлса, унинг дарду ҳасратига шерик бўлган...

⇒ 3-бет

Сайтлар қачон жонланади?!

“Электрон ҳукумат” тизими жаҳон амалиётида ўзининг афзалликларини намойиш этиб улгурган. Ўзбекистонда ҳам кенг миқёсда ривожланиб бораётган мазкур тизим давлат ҳокимияти органлари, бизнес соҳаси, айниқса, фуқароларга турли давлат хизматларини кўрсатиш билан ахборот хизматини тақдим этади.

⇒ 4-бет

Замон шитобиган ортга қолмайлик!

Эндиликда мавжуд шароит ҳар биримиздан, айниқса, раҳбар ходимдан халқнинг дардига қулоқ тутиш, аҳолини қийнаётган муаммоларни ҳал этиш, энг асосийси, эртадан-кечгача кабинетда ўтирмасдан, чекка-чекка худудлардаги ҳақиқий аҳоли билан танишиш, халқона айтганда, “осмондан ерга тушиб” ўзининг фуқаролик бурчини адо этишни талаб этмоқда.

⇒ 6-бет

ЧОРШАНБАДАН ОРШАНБАГАЧА

25 Январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Республика Байналмилал маданият марказининг 25 йиллиги муносабати билан миллий маданий марказларнинг бир гуруҳ фаолларини муқофотлаш тўғрисида»ги фармони матбуотда эълон қилинди.

25 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондониди Шавкат Мирзиёев 26 январь куни Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида Мудофаа вазирлиги раҳбарияти билан йиғилиш ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 январь куни Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Япония Бош вазири Синдзо Абэга самимий табригини йўллади.

26 январь куни Япония Бош вазири Синдзо Абэ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан самимий табригини йўллади.

27-28 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий иқтисодий-ислохотларнинг Ёриши, амалга оширилатган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Хоразм вилоятида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 январь — Биринчи Президентимиз Ислам Каримов таваллуди куни муносабати билан Самарқандга ташриф буюрди ва Ислам Каримов қабрини зиёрат қилди.

30 январь — Биринчи Президентимиз Ислам Каримов таваллуди мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди.



Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиокомпанияси раҳбарлари ва ишчилари Тошкентдаги асосий қўшниқда.



КЎШМА КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИДАН



— Истеъмолчилар дидига мос замонавий уяли алоқа воситалари ишлаб чиқармоқдамиз, — дейди кўшма корхона ҳисобчиси Ф.Бахронов. — Корхонада 2015 йилда атиги бир турдаги маҳсулот тайёрланган бўлса, бугунга келиб улар сони 5 тага етди. Айни пайтда янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида изланишлар олиб борилмоқда.

Ўтган йили Маҳаллийлаштириш дастури асосида уяли телефоннинг ташқи қисмини қўйиш йўлга қўйилди. Натижада ўтган йилнинг ўзида 3 миллиард 170 миллион сўмлик замонавий дизайнли маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Корхонада касб-ҳунар коллежларини битирган 20 дан

ортиқ ёш мутахассис меҳнат қилмоқда. — Навоий информатика ва электрон сановат касб-ҳунар коллежини битириб, шундай замонавий корхонада ишлаётганимдан фахрланаман, дейди Нафиса Равшанова. — Тайёрлаётган маҳсулотларимиз барча талабларга жавоб беришни текшириш учун махсус замонавий лаборатория синовларидан ўтказилади. Бу маҳсулотнинг сифати харидор талабига мос келишига хизмат қилади.

Н.РАХИМОВ,
ЎЗА муҳбири.
Суратларда: кўшма корхонада “ArTel” бренди остида уяли алоқа воситалари ишлаб чиқарилмоқда.
Сирож АСЛОНОВ
(ЎЗА) олган суратлар.

ЗАМОНАВИЙ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

“Навоий” эркин иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган “Smart Communications” Ўзбекистон — Буюк Британия кўшма корхонасида “ArTel” бренди остида уяли алоқа воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакатимизда юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, рақобатбардош ва экспортбоп замона-

вий sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транс-

порт, ижтимоий инфратузилма ва логистика хизматларини жадал ривожлантиришни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва

кенгайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, эркин иқтисодий зоналарни изчил ривожлантириш йўлида янада қулай шарт-шароит яратишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

«ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ, ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА ШАҲСИЙ ЖАВОБГАРЛИК — ҲАР БИР РАҲБАР ФАОЛИЯТИНИНГ КУНДАЛИК ҚОНДАСИ БЎЛИШИ КЕРАК»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу номдаги китоби «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилди.



Китобдан давлатимиз раҳбарининг шу йил 14 январь куни бўлиб ўтган, мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий ақшлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари баён қилинган. Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси ўрин олган.

Чуқур таҳлил ва танқидий ёндашувга асосланган ушбу рисолада Ўзбекистоннинг 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларига атрофлича баҳо берилган. Айни вақтда иқтисодий бошқариш, уни модернизация ва диверсификация қилиш борасида кейинги пайтда турли вазирлик ва идоралар томонидан йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар очик ва холис танқид қилиниб, уларни бар-тароф этиш бўйича амалий тақлифлар илгари сурилган. Турли соҳалардаги мавжуд улкан имконият ва захира-ларни тўлиқ ва самарали ишга солишга жиддий эътибор қаратилган.

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2017 йилга мўлжалланган устувор йўналишлар, жаҳон бозорида рақобат кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб вазиятда иқтисодийта хорижий инвестициялар, замонавий технологияларни жорий этиш билан боғлиқ муҳим вазифалар маърузада батафсил кўрсатиб берилган. Айниқса, «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини амалга ошириш, аҳолининг турмуш

даражаси ва сифатини яхшилаш, жумладан, шаҳар ва қишлоқларимизда арзон ва қулай уй-жойлар куриш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни, мактабгача таълим муассасалари тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича кенг қуламли вазифалар ҳам китобдан алоҳида ўрин эгаллаган.

Хурриятли душтариёлар,

2017 йил учун “HURRIYAT” газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳаёда этинг. Бундан ташқари, “Hurriyat” да чоп этилган материаллар билан www.hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.

“HURRIYAT” ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!



АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА ЯНГИ ҚАДАМ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига ташрифи яқунлари юртдошларимизга кўтаринки кайфият бағишлаб, эртаги кунга иншончини янада мустаҳкамламоқда

МУНОСАБАТ

Юрак хасталиги инсон ҳаётига таҳдид соладиган оғир касалликлардан бири. Шу боис ушбу касаллик билан оғриган беморларга ҳам жисмонан, ҳам руҳан далда жуда зарур.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилатган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан учрашиш ва мулоқот қилиш мақсадида Хоразм вилоятига ташрифи давомида Республика иқтисослаштирилган кардиология маркази вилоят филиалида ҳам бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг шифохонамига келиб, бу ердаги шартлар билан танишиш, беморлар ҳолидан хабар олиб, филиал фаолиятини янада яхшилаш бўйича билдирган фикрлари барчани, айниқса, беморларни гоёт қувонтирди. Қанчадан-қанча беморлар ўзларини гўё шифо топгандек ҳис қилди, десам, муболаға бўлмайди.

Кардиология, кардиореабилитация, кардиохирургия, интервенцион кардиология ва

физиотерапия бўлимлари, поликлиника фаолият юритаётган филиалда айни пайтда юрак хасталигига чалинган беморлар амбулатор текширувдан ўтказилиб, заруратга қараб стационар шартларда даволанмоқда. Юрак коронар томирларини коронарография усулида текшириш, коронар томирларга стент қўйиш, юракда аорта коронар шунтлаш операцияси, юрак қоринчаси аневризмэктомиyasi операцияси каби юқори технологияли амалиётлар ўтказилмоқда. 100 ўринли шифохонада 37 шифокор, жумладан, 4 нафар тиббиёт фанлари номзоди меҳнат қилаётир.

Беморларга эхокардиография, ички органларни ультратовуш текшириш, ЭКГ ва АКБнинг кунлик мониторингини, велоэргометрия, спирометрия, қоннинг биохимий ва иммунофермент таҳлили, липид спектрлари каби турли юқори технологиялар ёрдами-

да сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Юрагиде туғма ва орттирилган нуқсонни бор, қон-томир тизими касалликларини билан оғриган беморлар шу ернинг ўзида даволанмоқда.

Бугун фақат Хоразм вилояти аҳолисига хизмат кўрсатаётган шифохона Президентимиз ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилояти аҳолиси учун ҳам минтақавий марказга айланди. Ҳозирда филиал шифокорлари томонидан йилгига юздан ортиқ кардиохирургик амалиётлар ўтказилаётган бўлса, минтақавий шифохона мақомини олгач, бу кўрсаткич 3-4 баробар ошад.

Жорий йилдан шифохонамига ангиография тиббиёт усулунаси ўрнатилди. Ушбу замонавий аппарат юрак ҳолатини чуқур ўрганиш борабаридан, ўпка артерияси босимини ҳам мукамал таҳлил қилиш имконини беради. Бу билан кардиожарроҳликда энг мураккаб амалиёт ҳисобланадиган қон томирларини стентлаш жарроҳлик амалиёти, аорта коронар шунтлаш амалиёти ўқуваш учун зарур шартлар яратилди.

ҲАЁТИМИЗ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ БИЛАН ФАРОВОНДИР

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизнинг 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси келажақ истиқболни белгилаб беради.

Ўзбекистон халқи тарихида синовлар даври кўп бўлган. Мамлакатимиз мустақилликка эришган кундан эътиборан эса Ўзбекистон деган ном билан байроғи дунё мамлакатлари қаторида ҳилпирай бошлаган юртимизни, унинг йўлбошчиси ва халқини энг катта синовлар кутиб турган эди. Сир эмас, мустақил ҳаётга қадам қўйган янги мамлакатнинг эртасига ҳавотир билан қараган дунё сийасатчилари сони ҳам кам эмасди. Ҳатто 25 йилдан ортқроқ давр мобайнидаги ҳаёт — халқимиз ўз раҳбарлари раҳнамолигида мардонавор босиб ўтган йўл ҳеч шубҳасиз, дунё ҳамжамиятининг бизнинг эртасига нисбатан бўлган ҳар қандай ҳавотирга ўрин қолдирмади. Бу айни ҳақиқат билан биз мустақил мамлакат фуқароси сифатида янада жипслаша олийимизни ва улкан мақсадлар сари дадил одимлай билишимизни исботладик. Мамлакатимизда бу муқаддас эришилган муваффақиятлар ана шундай келажакка мустақам пойдевор бўлди, халқимизнинг ўз эртасига ишончини мустаҳкамлади.

Ҳа, мустақил мамлакатимизнинг унинг меҳнатсевар, тинчликсевар халқи Биринчи Президентимиз Ислам Каримов бошчилигида бундай синовлардан муваффақиятли ўтди. Аммо ҳаёт давом этар экан, унинг синовлари ҳам бўлаверди. Ҳусусан, ўтган йил халқимиз ва Ватанимизни огир синовлардан ўтказди. Айниқса, халқимиз учун Истиқлолимизнинг 25 йили давомида юртни турли синовлардан омонликда олиб

ўтган мамлакатимизнинг Биринчи Президентидан ажралиш ва бундай жудаликни енгилб ўтиш осон кечмади. Ана шундай дамларда ҳам юртдошларимиз янада жипслашиб, мустақам ва соғлом ирода намоиш этиб, мамлакат, аҳоли тақдири учун энг тўғри йўлни танладик. Мамлакатимиз Президентлигида бўлиб ўтган сайлов жараёни ва унинг натижалари халқимизнинг истиқлолимиз бардавонлиги учун, истиқболли келажак учун нақадар онгли, масъулият билан ёндаша олишини бутун дунёга яна бир ошкор этди.

Ростдан ҳам ҳаёт инсоният олдида доимо синовлар, вазифалар қўйиб келади. Агар шу синовлар, вазифалар масъулияти бўлмаса, ривожланиш деган тушунчанинг ҳам мазмуни, моҳияти йўқолади. Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизнинг 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси ҳар бир фуқарони, хусусан, раҳбарларни, фаолларни бу ҳаётга ва унинг олдимизга қўйилган вазифаларнинг бажарилишига янги-янги уйғунлашув, масъулият билан қарашга даъват этди. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоида бўлиши лозим, деган умумий шиор мазмунидан иборат маъруза мамлакатимизнинг кейин-

ги давридаги ҳаёти таҳлили, бу борада хусусан, йўл қўйилган камчиликлар эътирофи, уларни бартараф этишга қаратилган йўл-йўриқлар билан барчамизнинг қабилмизда эртанги кун учун масъулият туйғусини янада мустаҳкамлади, келажак истиқболни йўналиши режаларига ойдинлик киритди. Бу ойдинлик нимадан иборат, аниқроғи нималар ойдинлашди? Аввало эришилган ютуқлар маҳлиё бўлиб қолмаслик зарурлиги алоҳида уқтириб ўтилди. Зотан, ҳаёт давом этар экан, ислохотлар замирида унинг ютуқлари янада кўпайиб бориши тақозо этилади. Бу масъулиятни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Бу ислохотларнинг асосий мақсади — аҳоли учун муносиб ҳаёт ларажаси ва сифатини таъминлаш” деган сўзлари орқали янада аниқроқ англаб олиш мумкин бўлди.

2017 йилнинг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб номланиши, айниқса, раҳбар ходимлар, турли вазифаларда масъулликни бўйнига олган шахсларнинг халқ дари, ташвиши йўлида нафақат меҳнат қилиши, балки шу даражада яшаш лозимлигини тақозо этади. Маърузада “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган шиорнинг алоҳида яна бир бор эътироф этилиши ҳам бежизга эмас. Давлат халққа хизмат қилиши зарур, хизмат қилганда ҳам уни қаноатлантира оладиган даражада хизмат қилиши зарур. Бу хизматнинг сифати учун масъуллар, асосан раҳбар ходимлар жавобгарлиги уқтириб ўтилиши ҳам бежизга эмас. Зотан, бу йилнинг Дастури якунлари ана шундай хизматнинг қандай бажарилиши билан ўз баҳосини олади.

Президентимиз ўз маърузасида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини белгилаб бериш билан бир қаторда, кишиларимизнинг маънавий оламни янада боғийтиш, оила, ёшлар тарбияси, уларнинг иш билан бандлиги, хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ўрни борасида ҳам таҳлилий хулосаларни айтиб,

бу ўринда ҳам олдимизда турган вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, оила асосларини янада мустаҳкамлаш, аёллар ўртасида жиноятчилик, оила бузилиши кабиларнинг олдини олиш, ёшларнинг турли диний-экстремистик оқимлар, террористик ташкилотлар таъсиридан асраш, аёлларнинг ўзларига муносиб меҳнат билан бандлигини таъминлаш бугуннинг энг устувор, кечиктириб бўлмайдиган вазифалари эканлиги эътироф этилди. Шу мақсадда Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши, “Нуроний”, “Маҳалла”, “Қамолот” тузилмалари, Дин ишлари бўйича кўмита, Савдо-саноат палатаси ва тижорат банклари раҳбар ва мутасаддиларидан иборат ишчи гуруҳлари ташкил этилиши кўрсатиб ўтилдики, бу гуруҳлар ўз фаолиятини республикамизнинг баъзи ҳудудларида давом эттирмоқда.

Демак, бугун халқ билан мулоқотнинг шундай мақбул йўли танландики, фуқароларни қайсибир идорага қақириб, уларни қайсибир раҳбар ёки мутасаддиларнинг эшиги олдида ўз муаммосини айтиш учун соатлаб куттириш йўли билан эмас, балки бу мулоқот бевосита аҳолининг яшаш маънасида оддий, халқона тилда, очик ва асосан уларнинг ҳаётидаги ечимини кутаётган масалаларни, уларнинг тақлиф-истақларини ўрганиш асосида бўлади. Аҳоли ўз уйида ўзини эркин тутади, эркин ва тўғри фикрлайди. Бу мулоқотда фақатгина бир жамоада жипслашган одамларгина эмас, аҳолининг уюшмаган қатлами кўпроқ хотин-қизлар, кекса отахону онахонлар, иш билан банд бўлмаган, айни пайтда муаммони бошидан ўтказётган фуқаролар ҳатнашади. Шундагина муаммолар ечим топади, аҳолини кўнгли тинч бўлади, ҳаётдан рози бўлади. Бунда аҳолининг нафақат меҳнат фаолияти, манший муаммолари, балки қалбига ҳам қўл солинади, фикр-ўйлари, ниёти ўрганилади. Ахир турли оқимлар таъсирига тушиб қолган ёки жиноят йўлига кирган ҳар

бир одам аввало, бу ҳақда кўнглидан кечирган бўлади. Агар ана шу ўйнинг кўнглида пайдо бўлган пайтда кенг жамоатчилик воқиф бўлса, ёки шундай ёмон ўйлари халғига келтирмаслик учун олдинроқ унинг қалби ҳаётини қўйиб қалбидан сугорилса, қандай яхши. Бизнингча, мамлакатимиз раҳбари бу борада кенг жамоатчилик олдида қўйилган вазифалар том маънода кейинги пайтда унингга душман, деган халқ нақдининг ҳаётини намунасида. Ҳа, биз фуқароларимиз, хусусан, ёшларнинг қалбидан ёмонлик жой олмаслиги, ҳеч бўлмаса, олганда ҳам унинг қалбидан қўйилган қабих ниётни ўз вақтида англаб, унинг ҳаётини хайрли ишлар билан ўнгашга учун курашмоғимиз лозим.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳеч бир соҳа йўқки, унда хотин-қизлар вакиллари меҳнат қилмаётган бўлса. Демак, хотин-қизлар нафақат оиланинг, балки мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожининг ҳам фаол иштирокчилари.

Бугун жамиятимизда ўрناқ қилиб кўрсатилаётган фермерлар, маданий-маърифий соҳалардаги, шунингдек, турли соҳаларга мослашган тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари бўлган аёлларимизнинг ибрати, ташаббускорлигини ҳар қадамга кўриб туришимиз.

Лекин эътироф этганимиздек, бу борада шу ютуқларга маҳлиё бўлиб қолиш хато иш бўлади. Шу маънода уларга муносиб доимий иш ўринлари яратилиши, шулар билан бир қаторда оилавий бизнес, касаланичилик, хунармандчилик, томорқа ҳўжалигини кенг ривожлантириш ишларида алоҳида эътибор қаратилиши уқтириб ўтилди маърузада.

“Халқимиз бугун катта орзу умидлар билан яшаётгани”, — дея эътироф этди Президентимиз. Бугунги кунда олға сурिलाётган гоғлар, устувор деб белгиланган режалар эса ана шу орзу-умидлар рўёбига эллади халқимизни.

Чори ЛАТИПОВ,
“Qishloq hayoti” газетаси
бош муҳаррири

Вазирлар Маҳкамасининг йил якунлари бўйича бўлиб ўтган мажлисида давлатимиз раҳбари ҳар бир хонадонга кириб, кредит бериш ҳақида тушунча беришни тақлиф этган эди. Бунга қарангки, ҳафта ўтар-ўтмас бу амалиётга жорий этилибди. Дам олиш кунни бўлишига қарамасдан, уйга банкдан кредит олиш бўйича сўровнома хати келди. Унда 150 миллион сўмгача турли йўналишда имтиёзли кредит берилиши ҳақида ёзилган. Ҳатто қишлоқларда ҳам банк ходимларининг ана шундай сўровнома ўтказиб юрганликларини яқинларимиздан эшитиб хурсанд бўлдик. Бундай имкониятдан қўнчилиқ фойдаланиш умидида янги режалар тузмоқда. Агар бу йўналишдаги ишлар шу зайдда давом этса, бир-икки йил ичда юртимиз тадбиркорлар маконига айланади, тез орада ривожланган давлатлар қаторига қўшилса, ажабмас.

СЕН — МЕНГА ТЕГМА, МЕН — СЕНГА ТЕГМАЙМАН қабилда яшаш энди бизга ярашмайди

Шунингдек, йигилишда кўплаб соҳалар танқид қилинганидан барчамиз хабардоримиз. Айниқса, мутасадди раҳбарларга кўплаб тегишли вазифалар юкланди. Мазкур йигилишдаги тилга олинган масалалардан нафақат раҳбарлар, балки ҳар бир киши ўзига тегишли хулосани чиқариб олди, назаримда. Президентимизнинг айниқса, “Мана шундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, замон талабини ҳис этмасдан, эскича ишлашга энди ҳеч биримизнинг ҳақимиз йўқ. Халқимиз бугун катта орзу-умидлар билан яшаётгани. Бу орзу-умидларни ким амалга оширади? Аввало, мана шу залда ўтирган раҳбарлар, мутасадди ва мутахассислар, навиқрон ёшларимиз”, деган сўзлари ҳеч кимни беъэтибор қолдирмагани тайин.

Бу сўзлардан шунинг англаш мумкинки, эндиликда шу юртта дахлдорлик ҳисси билан янада ёниб яшаш керакдай. Албатта, бу жараёнларда асосий масъулият бошқарувчиларга тушади. Чунки ҳар қандай идоранинг барча ишлари раҳбарнинг қандай иш туттишига боғлиқ.

Бундан бир неча йил олдин иш юзасидан йирик компания бошқарма бошлигиндан маълумот олишга тўғри келди. У киши билан телефон орқали боғланишнинг ўзи муаммо. Қачон боғлансам, ўта бандлигини таъкидлади. Ҳатто уни бевосита қилганимдан ўзим ҳам хижолатдаман. Бунга қарангки, бир ой деганда амаллаб у кишининг олдида киришга муваффақ бўлдим. Кириб оғиз очилиб қолди. У киши оёғини столга қўйганча компьютерга ўйнаб ўтирарди. Қўл учидан сўрашиб, бир ҳолимга “бу киши сўраган маълумотларни бериб юбор”, деди. Маълумотни олишга ўн дақиқа ҳам кетмади. Бир ой кутганим ўн дақиқада ҳал бўлса-я. Ушандаёқ бошқарма бошлигининг қандай қилиб шундай масъул вазифада ўтирганига ҳайрон бўлгандим. Бироқ эндиликда бундай кишиларнинг бирор жойда ишлаши қўйин, назаримда. Чунки давлатимиз раҳбари ҳар бир мутасаддига халқ билан ишлашни талаб этмоқда. Энди хонада ўтириб, қоғозлар билан эмас, балки жойларга чиқиб, халқнинг дари билан яшашни кўп бор таъкидлаётганлар.

Президентимиз Қорақалпоғистон Республикасига қилган ташрифи чоғида “Менга юраги жўшиб, кўзи ёниб турадиган, ишлайман деган одамлар керак”, дея таъкидлади. Демак, давр ишга муносибат, ҳар бир кишидан шу юртта дахлдорлик ҳисси билан яшаш, ён-атрофга бефарқ бўлмасликни талаб этмоқда.

Лекин ҳануз орамизда боқиманда, дунёни сув босса тўлиғича чиқмайди деган ҳам топилмади. Улар ўзларидан бошқани кўрмайдилар. Ён-атрофда бўлаётган ўзгаришларга ёки кўз олдида турган муаммоларга мутлақо бефарқ. Касб тақозосига кўра ҳар хил кишилар билан учрашишга тўғри келади. Айримлар фаолиятга тўсик бўлаётган ёки ҳақ-ҳуқуқлари поймол бўлаётганидан нолийди. “Сиз журналистсиз, ёзинг шуларни”, дейишга дейди-ю, исми-шарифини сўрасангиз, айтгиси келмай, ўзини олиб қочади. Улардан шулар ҳақида бирор жойга мурожаат қилганмисиз деб, сўрасангиз: “Бизни ким ҳам эшитарди, ёсам, ишдан бўшатиб юборди ёки “ёзувчи” номини оламан”, дейишди. Узоққа бормайлик. Газетамизнинг олдинги сонларида Яшнобод туманидаги кўп қаватли уйлардан бирининг ертўласи янғича аҳволда экани ҳақида ёзган эдик. Четдан қараганда бу масала ўша уйда истиқомат қилувчиларнинг йиғини ҳал қилса ҳам бўладиган муаммо. Бироқ жонкуяр етакчи ёки бирлашув бўлмагани боис, аҳвол шу даражага етган. Муаммо йиллар мобайнида ҳал этилмади келган. Ахир, ўзи яшаб турган уйга — Ватанга бефарқ бўлиш мумкинми? Аксарият кишиларимиз давлат қилиб беради, қабилда иш туттишга кўникиб қолган. Яна бир мисол. Яқинда пойтахтимизда жойлашган 90-мактабда тор доирада йиғилиш бўлиб ўтди. Кўплаб ўқитувчилар ўзини қийнаётган масалаларни айтишди. Улардан бирор жойга ёзма мурожаат қилганмисиз, деб сўралганда, аксарияти юқоридagi гапларни айтиб қолди. Мурожаат қилганлари эса ўзларидан юқори турувчи идорадан гап эшитганини таъкидлади.

Кўриб турганингиздек, жамиятимизда айрим муаммо иллатларнинг илдиэ отиб кетишига ўзимиз ҳам сабабчидек. Оддий фуқаролар, ишчилар ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашмаса, унда муаммолар ечими орта суриниб кетавермайди.

Шу тупроқда яшарканмиз, ҳар бир фуқаро ўз меҳнати билан ватан равнақида ҳисса қўшар экан, аввало оиласини, сўнг фаолият юритаётган жойини обод қилса, шунинг ўзи ҳам Ватани учун қилган энг катта ишидир.

Бобур МУҲАММАДИЕВ,
“Hurriyat” мухбири

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА ЯНГИ ҚАДАМ

Бошланғичи 1-бетда

Замонавий тиббий ускуналардан фойдаланиш пухта билим ва кўника талаб этади. Мамлакатимизда бу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан жорий йилдан бу ерда Россия Федерациясининг А.Бакуев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги илмий-амалий маркази филиалини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Мазкур тиббиёт муассасаси билан ўрнатилган ҳамкорлик доирасида маҳаллий шифокорлар россиялик ҳамкасблари билан мунтазам тажриба алмашиш имкониятига эга бўлади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда ҳар минг чақалоқнинг 6-7 нафарига тузма юрак нуқсон кайд этилади. Ваҳоланки, бу хасталикни операция йўли билан бутунлай бартараф этиш ва беморни тўлақонли ҳаётга қайтариш мумкин. Лекин бундай жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун барча клиникаларда ҳам старли шароит йўқ.

Шу пайтгача шифохонамизда вази 10 килограммдан кам бўлган чақалоқларда кардиохарроҳлик амалиёти ўтказилмаган. Чунки, гоғт мураккаб бўлган бундай жарроҳлик амалиёти ўтказиш учун нафақат билим ва малака, энг муҳими, замонавий тиббий ускуналар зарур. Бундай хасталикка чалинган болаларни даволашга қанча эрта киририлса, касалликни бартараф этиш шунчалик самарали бўлади. Асоратлари ҳам қолмайди. Жаҳонга машҳур илмий-амалий марказ филиали Хоразмда иш бошлаши хорижлик ҳамкасблар билан бирга шу ернинг ўзида бир ёшгача бўлган болаларда ҳам мураккаб юрак жарроҳлигини амалга ошириш имкониятини беради.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама соғлом авлодни воғта етказиш, халқимизнинг узоқ умр кечиршини таъминлаш, соғлом ва фаровон турмуш учун кулай шароит яратишга қаратилган доимий эътибор ва ғамхўрлик юртдошларимизнинг ҳаётга иштиғини кучайтириб, уларда эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлади.

Анвар САГИРОВ,
Республика ихтисослаштирилган
кардиология маркази Хоразм вилояти
филиали директори.
ЎЗА

КЎЕНЧИЛИК — ИСТИҚБОЛЛИ ТАРМОҚ

Кўён гўшти табобатда фойдали ва парҳезбоб гўшт сифатида эътироф этилади. Ишбилармон юртдошларимиз айни вақтда кўёнчилик йўналишида ҳам самарали ютуқларга эришиб келмоқда. Европа давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик ва тажриба асосида иш олиб бориш мамлакатимизда кўёнчилик тармоғини ривожлантиришда катта ўларма бўлаётган. Кўштепа туманидаги “Водий насли кўёнлари” агрофирмасида ҳам бу борада катта тажриба ўзлаштирилди. 2016 йилда ташкил топган агрофирмада айни вақтда 400 та “Янги Зеландия” зотли кўёнлари парваришланмоқда.

НАСЛЧИЛИККА ДОИМИЙ ЭЪТИБОР агрофирмага даромад келтирмоқда

Марғилонлик тадбиркор, агрофирма раҳбари Нуриддинжон Эминов шуларни инобатта олиб, ўз ташаббуси билан Италиядан 67 та зотдор кўёнларни олиб келишга муваффақ бўлди. Бунда тадбиркор “Микрокредит-банк” вилоят филиалининг 400 миллион сўм маблағидан самарали фойдалангани эътиборлидир. Италиялик ҳамкор мутахассисларнинг кўмаги билан агрофирмада жониворларни сунғий урчишти ва маҳаллий шароитга мослаштириш ишлари муваффақиятли якунланди.

Ҳамма соҳада бўлганидек, бизда кўёнчиликни ривожлантириш учун ҳам омиллар кўп. Уларни англай билган, бор имкониятлардан самарали фойдаланган, изланган, янгиликка интилган тадбиркор борки, ҳаммаша унга омад ҳамроҳ. Ай-

ниқса, кўёнчилик парваришида наслчиликни яхшилаш бирламчи вазифа эканлигини Нуриддинжон Эминов яхши билди.

Бугун агрофирмада кўёнлардан бир йилнинг ўзида 8 мартаба, 5-13 тагача насл олиш мумкинлигини ҳисобга олсак, қулай иқлим шароити, хом ашё базаси, табиий ер майдонлари етарли эканлиги вилоятимизда истиқболли тармоқни жадал ривожлантириш мумкинлигини далolat беради. Айни вақтда бу ерда ҳар бир кўёндан ўртача 5 килограммдан парҳезбоб гўшт етиштирилиб, ҳозирда воқий вилоятлари ва Тошкент шахига етказиб берилмоқда.

— Тадбиркорлик йўлини танлаганлар бугун Президентимиздан, давлатимиздан жуда миннатдор. Фаолиятимиз



биринчи галда ҳуқуқий мустаҳкамланди. Ҳамма имкониятлар ишга солинди. Айниқса сармоя масаласидаги муаммоларимиз ўз вақтида ечимини топишти, — дейди Н.Эминов. — Кўён гўшти ва терисини етиштириш истиқболли таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ижроси туфайли соҳага қизиқувчилар сафи тобора ортмоқда. Берилаётган имтиёзлар билан тез орада агрофирмаимизда қўшхона ва музлаткич қуришни мўлжаллаганмиз. Бунда яна тижорат банклари кредитига асосланиб иш тутмоқчимиз.

Албатта, ишнинг бир маромда ташкил этилиши ишчи кучи ва техникаларига боғлиқ. Кўёнлар парвариши билан танишганганимизда агрофирма раҳбари жамоанинг иш бошқарувчиси Иномжон Каримов, ветеринар

Ёқубжон Фозиев, ишчилар Мاستураҳон Маҳаммадова, Саидболлохон Исмаилов ва бошқаларнинг ҳиссаси катта бўлаётганини мамнуният билан гапирди.

Вилоят ҳокимининг кўёнчилик соҳасини ривожлантириш, наслчилик ишларини такомиллаштириш, кўён бош сонларини кўпайтириш ва ушбу йўналишда ихтисослашган кўп тармоқли агрофирмалар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижроси юзасидан вилоятимизда кенг қўламли саёй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. “Водий насли кўёнлари” агрофирмаси бу борада яратилган кулай ишбилармонлик муҳити ва даромад омилли билан иқтисодиётимизга янада катта ҳисса қўшишига ишонамиз.

Мадамжон
СОЛИЖОНОВ

Китоб тафраккур қанотидир

Тарбиянинг муҳим мезони

“Хар бир миллатнинг саодати ва иззати албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик ана шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунчалик кучли ва муаззам бўлади.” Ўтган асрнинг атоқли адиби Абдурауф Фитратнинг “Оила” асаридан олинган ушбу иқтибос замирида тарбиянинг инсон етуқлиги ва баркамоллигидаги ўрни, тинчликни асраб-авайлаш, унинг қадрига етиш нечоғли муҳим эканлиги айтилган.



Дарҳақиқат, тарбия бизнинг бутунги давримиз ва келажак тарққийетимиз билан чамбарчас боғлиқ. Унга эътибор қанчалик кучли бўлса, униб-ўсиб келаятган ёшларимизнинг онги, маънавияти ҳам шунчалик юксалади. Тарбия ҳақида сўз юритганда унинг икки муҳим омиллари ҳақида алоҳида тўхталиш керак. Унинг дастлабки омиллари. Яъни, фарзанд учун ота-онадан қоладиган энг катта ва бебаҳо мерос бу гўзал ҳулқ ва яхши амаллардир.

Иккинчи муҳим мезон — китоб ўқиш, яъни мурола. Чунки китобга дўст бўлиш ва севиб мурола қилиш инсон руҳиятини нурга, қалбини яхшилик ва эзуликка тўлдирди. Шу маънода, айни кунда мамлакатимизда китоб ҳамда мурола тарғиботи эътибор ҳар доимгидан-да кучаяётгани диққат қилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳар бир қишлоқда китоб билан дўст тутишни фақат яхшиликка хизмат қилишни таъкидламоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп

этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мурола ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши бу борадаги хайрли ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим дастуриламалдир. Шак-шубҳасиз, ушбу тарихий ҳужжат соҳада оқсаётган айрим бўғинларни жонлантириб, уларни жадаллик билан йўлга солиш имконини беради. Хусусан, бутунги китобат санъатимиз ҳам сифат, ҳам мазмун жиҳатидан юксалиб, адабиётнинг мақоми, китобларнинг ўз муҳлисига етиб бориши даражаси янада ошади.

Ушбу ҳужжатни диққат ва эътибор билан ўқиб, маънавий-маърифий соҳадаги ишларимиз янги маъно-мазмун касб этаётганини гувоҳ бўламиз. Чунки фармойишда ноширлар ва муаллифларни молиявий рағбатлантириш, болалар адабиётига ихтисослашган наشريётларга имтиёзлар бериш, чоп этилган китобларни мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларига ҳам арзон нархларда етказиш каби масалалар кўзда тутилганлиги зиммаимизга катта масъулият юклайди.

Таъкидлаш кераки, китоб ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳақидаги бундай махсус дастур қабул қилиш тажрибаси бошқа давлатларда куралиб келибди. Барча юртношларимиз каби бевосита болалар адабиёти чоп этишга ихтисослаштирилган Чўлпон номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи жамоаси ҳам бу муҳим ҳужжатнинг қабул қилинишини зўр қувонч ва мамнуният билан кутиб олди, десам муболага бўлмайди. Жумладан, зиё масканимизда ана шу эътиборга муносиб тарзда фаолият юритиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Айтиш жоизки, 2016 йилда наشريётимиз томонидан 140 дан ортик номда умумий алади 2,7 миллион нусхадан кўпроқ китоб ва бошқа матбаа маҳсулотлари чоп этилиб,

китобхонларга етказиб берилди. Улар орасида ёшларимизнинг маънавий камолотини таъминлашга қаратилган, биримини кенгайтириб, дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган адабиётлар талғини. Хусусан, бошланғич синф ўқувчилари учун “Синфдан ташқари ўқиш китоби”, 20 дан ортик номдаги эртақлар, сеvimли ўзбек болалар адиблари — Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон, Турсунбой Адашбоевнинг энг сара ва янги асарлари, жаҳон болалар адабиётининг севиб мурола қилинадиган саргузашт қиссалари, бундан ташқари, имконияти чекланган болалар учун махсус дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мавжудлиги эътибор-лидир.

Албатта, бу миқдор ва кўрсаткичлар бутунги кун ёш ки-

тобхонлари эҳтиёжини тўлиқ қоплай олмайди. Бунга эътиборга олиб, жорий йилда наشريёт уйимиз ёш китобхонлар учун чоп этиладиган китоблар жанри ва турини кенгайтириш билан бирга, уларнинг адабини ҳам уч хисса кўпайтиришни мақсад қилган.

Бугун интернет ва бошқа коммуникация воситалари жадал ривожланаётган замон бўлишига қарамай, инсон онгу тафаккурини чарқлаш, маънавий оламни бойитиш, эзуликни тарғиб этишда китобнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Чиндан ҳам у чин дўст, холис сўхбатдош, энг яқин ҳамроҳдир.

Даврон УЛУФМУРОДОВ,
Чўлпон номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири

Телевизор, радио, интернет ва бошқа техник воситалар бўлмаган замонларда ота-боболаримиз шам ёруғида, сандал атрофида ўтириб китобхонлик қилганлар. Барча китобдаги воқеалардан таъсирланган, қаҳрамон қувонса, кўшилиб қувонган, ғамгин бўлса, унинг дарду ҳасратиға шерик бўлган... Ажабланарлиси шундаки, ҳозир техника қанча ривожланган бўлмасин, бирор восита китобчалик инсон руҳиятига таъсир этолмайди. Бу ҳам бўлса китобнинг мўъжизакор хусусиятларидандир.

Муролаага меҳр болалиқдан уйғонсин

Узбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мурола ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши мана шу мўъжизакор, сеҳрли воситанинг ҳар бир хонадонга кириб бормоғи, ҳар бир қалбда юксак қадр топиши йўлида қилинажак эзгу ишларга,

чунончи, китоб чоп этиш, тарқатиш ва унинг муролааси билан боғлиқ муаммоларнинг ечимига йўл очиши аниқ. Фармойишда китоб ва унга муносабат борадаги камчиликларимиз ва уларни бартараф этиш йўллари ўз аксини топган.

Китобхонлик маданияти ўз-ўзиндан юксалиб қолмайди. Халқнинг маънавий эҳтиёжини ўрганиб, шу орқали бадиий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий аҳамияти катта, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни чоп этиб, таълим муассасаларини улар билан таъминлаш, жаҳон адабиёти наомандаларининг асарларини саралаб, таржима қилиш ишларини пухта ўйланган тизим асосида ташкиллаштириш, китобларни наشريётлардан худудларга арзон нархларда етказиш, онлайн буюртма бериш тизимини ривожлантириш, аҳолига хизмат кўрсатишда электрон китоб шаклларидан кенг фойдаланишни яхши йўлга қўйиш лавр талабидир.

Фармойишда бу талабларнинг қўйилиши билан улкан масъулият талаб қилади. Ишни даставвал ўзимиздан, оиламиздан бошлаш мақсадга мувофиқ. Ота-оналар фарзандлари қалбда китобга меҳр ҳиссини уйғота билиши керак. Боғча ва мактаб эса кейинги жарасан. Уларга китоб сотиб олиб бериш билан қифояланиб қолмасдан, балки ўқиб бериш завқ-шавқи ўзимизда бўлиши зарур. Акс ҳолда, болалардан нима кутиш мумкин? Уларни қизиқтира билиш муҳим.

Хориж таърибисид муролаага ўргатишнинг янги йўналишлари жорий этилганки, улардан фойдаланиш ҳам асло зарар қилмайди. Масалан, Финляндия ва баъзи Европа мамлакатлари мактабларида махсус мурола курслари ўтилади. Ўқувчилар бу курсларда китоб ўқиш санъатини эгаллайдилар. Дарвоқе, муролаа ҳам, унга ўргатиш ҳам ўзига хос санъат. Агар болага китоб ўқиш методикасини ўргатмас эканмиз, у ушбу санъатни ўзлаштира олмайди. Оқибатда ўқиган нарасини тушунамайди ва китобга нисбатан қизиқишни сусаяди. “Нарсаларга қизиқишнинг йўқолса, билгинки, хотирланган ҳам айриласан” — Гётеннинг бу фикрини беҳиз келтирмадик. Қизиқиш кунт, илҳос, ҳафса-лага йўл очади.

Бу борадаги сай-ҳаракатларимизнинг самарали бўлиши учун таълим муассасалари, кутубхоналар ва маҳаллаларда янги китоблар тақдимотини ўтказиш, яхши китобларни тарғиб қилиш, хусусан, оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантириш керак.

“Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда, Ғамхўринг бўлмай у ғамли замонда.” — дейди аллома Абдурахмон Жомий. Ардоқли адибимиз Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек эса “Китоб — тафаккур қаноти”. — дея эътироф этади. Беминнат дўст, садоқатли маслақдош, зулмат ичра зиё, қўлдаги маёқ, шонли байроқ рамзи сифатида эъзозланувчи китобнинг таърифи қимматиға улуг устодлардан ошириб таърифлашга бизнинг қаламимиз оғизлик қилади, албатта.

Қайси касб эгаси бўлишимиздан қатъи назар, ҳар биримиз китоб билан муайян даражада мулоқотда бўламиз. Аммо қандай китоб ўқиш, унинг таъсири ва оқибатлари, умуман, нега китоб ўқиймиз, шулар ҳақида барчамиз ҳам чуқурроқ ўйлаб кўрмаймиз. Китоб инсонга маънавий озуқа берибгина қолмай, унинг тафаккурини теранлаштириб, соғлом мулоҳаза юритишга ўргатади, келажакка аниқ мақсадлар билан одимлашда мустақкам пиллапои вазифасини ўтади. Китоб ўқитган инсон қиёфасига диққат қилинг, унинг чеҳрасига ҳаммаша ҳаловат, билимга чанқоқлик зуҳур бўлади. Китоб сеҳрига берилган одам атроф-борлиқни унутади, майда-чуйда ташвишлар бир четда қолади. Зеро, бу пайтда энг содиқ дўсти — китоб билан суҳбатлашаётган бўлади. Айниқса, мағзи тўқ китоб ҳар қандай одамни ўзига тортади.

Дунёдаги мавжуд китобларнинг ҳаммасини ўқишга имкон ҳам, умр ҳам етмайди. Афсуски, кўпчилик китоб ўқини билмайди ва нимани ўқитганини тузукроқ тушуниб ҳам етмайди. Баъзилар учун эса муролаа — дам олиш, шунчаки вақтни ўтказиш воситаси, уларга нимани ўқиш барибир, зерикарли бўлмаса, бас. Демак, китоб ўқилишининг ўзи китобхонлик масаласини ижобий баҳолаш учун етарли эмас. Бунда китобхоннинг дили алоҳида аҳамиятга молик.

“Эътибор берганмисиз-йўқми, билмадим-ку, сизнинг садоқатда тенгсиз дўстингиз бор, — деб ёзда Уткир Хошимов “Беминнат дўст” қатрасида. — Қачон хоҳласангиз, сиз билан ҳамсуҳбат бўлади. Шод пайтингизда қувончингизга қувонч қўшади. Ғамгин паллада дардингизни олади. Билмаганингизни ўргатади. Алаҳсангиз, тўғри йўл кўрсатади. Яқин кишиларингиз ҳуриб кетганида ҳам у сизни тарқ етмайди. Хизмати учун ҳеч нарса тама қилмайди. Йиллар унутиб, ташлаб қўйсангиз индамайди. Ҳатто, улоқтириб юборсангиз ҳам арзаламайди. Тагин чорласангиз, етиб келиб, хизматингизни қилаверади. Бу дўстинг нима — КИТОБ!”

Муролаа — мулоқот учун кўприк. Муаллиф билан зимдан, сирли суҳбатлашасиз. Ҳаётга сурур, кўзга нур, қалбга гурур бахш этадиган китобга муносабат мазмунида қабул қилинган Фармойиш бизларни китобхонлик маданияти сари дадил одимлашга ундайди.

▶ АЛЛОМАЛАР КИТОБ ҲАҚИДА

Айтганига амал қилмаган олим игнага ўхшайди, игна ҳаммани кийинтириб, ўзи ялонғоч қолади.
Абу Хомид ҒАЗЗОЛИЙ

Ким фанда илгариллаб, ахлоқда оқсаса, у олдига эмас, кўпроқ орқага кетади.
АРАСТУ

Истамай муролаа қилаётган талаба — қанотсиз қум.
Саъдий ШЕРОЗИЙ

Китоб йўқ олим — мевасиз даракт.
Саъдий ШЕРОЗИЙ

Ҳозир ўқи, қабрда ўқий олмайсан!
Зубайр КУНДУЗАЛП

Ўзликни англашдан кўра сермахсулроқ машғулот йўқдир.
Рене ДЕКАРТ

Саломатлик тана учун қанчалар муҳим бўлса, рух учун донолик шунчалар муҳимдир.
Франсуа ЛАРОШКФУКО

Илм ўрганинлар, зеро уни ўрганиш — тақво, уни талаб қилиш — ибодат, музокараси — тасбеҳ, уни илаш — жиҳод, билмаганга ўргатиш — садақа, уни ўз аҳлига билдириш — Яратганга қурбатдир.
Муоз ибн ЖАБАЛ

Таҳсил олиш машаққатини тортган одам жоҳиллик касалига дучор бўлмайди.
Мажилиддин ХАВОФИЙ

Ўқиган ўқдан ўзар

Китоб бойлик, у эҳнимизни ўстиради, ҳар томонлама камолга етказиши. Алишер Навоий Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий каби буюк шоирлар ижодини, улар яратган дostonларни «маънолар хазинаси» деб тушунтиради ва одамларни энг яхши фазилатлар руҳида тарбиялаш хусусиятига эга бўлганлиги учун уларни юксак баҳолайди. Абдурахмон Жомий: «Жаҳонда китобдан яхши ёр бўлмас», деганда китобни ўқиган киши донишманд инсон бўлишини англагандир. Космонавтикага асос солган олим Константин Циолковский: «Менда космик парвозларга интилишнинг машҳур фантастик ёзувчи Жюль Верн пайдо қилган деган эди. У миям фаолиятини шу соҳага йўналтирди. Ҳавас пайдо қилди. Ҳавас ортидан эса ақл фаолияти вужудга келди» деб ёзган.

Худойберди Тўхтабоевни болаларнинг сеvimли ёзувчиси сифатида таниймиз. «Сариқ девни миниб» каби асарлари нафақат мамлакатимизда балки, чет элларда ҳам шуҳрат қозонган. Италиянинг жаҳонга машҳур болалар ёзувчиси Жанни Родари ёзувчимизнинг ижодига юксак баҳо бергани ҳам тасодиф эмас. Бу асарлар мени китоб-

нинг сеҳрли оламига олиб кирган десам, муболага бўлмайди. Уйимизда китоб кўп ўқиларди. Ота-онам, акам ва менинг мактабга илк қадам қўйганимиздан бошлаб уй вазибаларни тайёрлашимизга кўмаклашишар, дарсларни тайёрлаб бўлгач, албатта ёшимизга мос бадиий китобларни ташлаб ўқишимизни назорат қилишарди. Бунинг учун алоҳида дафтар туртардик. Унга асар муаллифининг исми-шарифи,

китоб номи, қаҳрамонларининг исми, энг қизиқ жойларини қай этиб боришимизни тайинлашарди. Энг муҳими, ўқиган китобимиздан чиқарган хулосаларимизни ифодалаб беришимиз ҳам талаб қилинарди. Аввал «Ўзбек халқ эртақларини, кейинчалик рус, хитой, корей, немис, инглиз, хуллас, турли миллат эртақларини мароқ билан ўқиганман. Уйда кутубхоналардан олиб келинган китоблар талашиб ўқиларди. Кейинчалик ўзимизнинг катта китоб жавонимиз ҳам пайдо бўлди. Унда мингдан зиёд турли номдаги китоблар, бадиий адабиётлар, ҳатто юқори синф мактаб дарсликларига ҳам жой ажратилганди. «Қобуснома», «Куталгу билли», «Гуруғли», «Алпомиш», «Ойпарча» каби китобларни уйимиздаги кутубхонадан олиб ўқиганман.

10-12 ёшларда бўлсам керак, «Сариқ девни миниб» романи қўлимга тушиб қолди. Бу асарни ўқиганымда, онажоним мен севган таомларни тайёрлаб қақирганларидан ҳам чиқмасдим. Шунда акам билан олам «Сариқ девни» ўқияпти, чиқмайди, дейишгани эсимда. Чунки улар ҳам бу ки-

тобни жуда мириқиб ўқиб чиққан экан. Ёзувчи асар қаҳрамони Хошим-жонда ўйинқароқлик, бебошлик, беғам ва бепарволик каби болалик хислатларини кўрсатаркан, асарни бошдан-оёқ беғубор ва қувноқ, нозик ва ёқимтой кулги билан сўрганганлигига гувоҳи бўлганман, мириқиб кулганман. Адибнинг болалар кўнглига йўл топиб, улар тилида гапирганига тан берганман. Қаҳрамон қилиқларидан хандон ўрганман. Бу асар дунёнинг 24 тилига таржима қилинди.

Университетда ўқиётганимда, «Ўзбек ва чет эл адабиёти» фани ўқитувчимиз 100 га яқин китобларнинг рўйхатини ёздириб: «Имтиҳонгача ўқиб чиқасизлар, асарлардаги кичик деталаргача сўраймиз ва синон-дан ўтказамиз деганида, навбати билан бир-биримизниқига бориб, тонгача китобнинг сеҳрли оламига шўнғитганимиз.

Маълумки, бутунги кунда техника жуда тезлик билан ривожланыпти. Ҳаётимизни интернет, айфон, айпат, планшет, уяли телефонларсиз та-саввур қилиб бўлмайди. Маълумотлар ниҳоятда кўп. Глобаллашув таъсирида турли халқларнинг миллий қадриятларига путур етмоқда. Лекин китобнинг қадри ҳаммаша юксак бўлиб қолаверади. Зеро, китоб ижтимоий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, кишиларни эзуликка, гўзалликка қаҳрамонликка, яратувчанликка ундайди. Эмон хислатлар ва хатти-ҳаракатларга нисбатан нафрат уйғотади. Шулар ҳақида ўйланганда табиий саволлар туғилади: аҳоли, хусусан, ёшлар уртасида китоб муролааси ва китобхонлик маданиятини оширишда қандай муаммолар бор?

Авалло, бадиий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни чоп этиш даражаси ўқувчиларни қониқтирадими?! Улар билан таълим муассасаларини таъминлаш миллий ва жаҳон маданияти наомандаларининг етук асарларини саралаш, таржима қилиш ишлари пухта ўйланган тизим асосида ташкил этилганми? Китоб сотишга ихтисослаштирилган корхоналар томонидан таълим муассасалари, кутубхоналар ва маҳаллаларда янги китоблар тақдимотини ўтказиш, муролаа маданиятини ошириш, шу жумладан, ОАВ орқали тарғибот-ташвиқот қилишга қаратилган тадбирлар етарлими? Шу ўринда Президентимизнинг «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муролааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойишининг эълон қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.


Зеро, китоб инсоннинг энг яқин дўсти ва маслаҳатгўйи, ақл қайроғи, тафаккур манбаи. Китоб дўстликка, меҳнатсеварликка, матонатли бўлишга, қобилиятни ўстиришга, инсоният тарихи ва ҳозирги ҳаётини тушуниб олишга ёрдам берувчи ҳақиқий воситачи. Шундай экан, ундан тегишли хулосалар чиқариб, ўқувчини китобга ошно қилишдек эзгу ишга ўзимизнинг муносиб хиссамизни қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Нодира НАЗАРОВА

Раҳимбой ЖУМАНИЕЗОВ

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Мамлакатимизда жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш, ҳуқуқий билимларнинг аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинишини ташкил этиш, қабул қилинаётган қонунларнинг мақсади, мазмун-моҳиятидан одамларнинг хабардорлигини янада оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёндаги ишларга оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётир.



ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИЛАР

Соҳа вакиллари вакиллик муносиб рағбатлантириш ва бу борадаги ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан «Суд-ҳуқуқ ислохотлари журналист нигоҳида» кўрик-танлов эълон қилинган эди. Ўзбекистон Республикаси Олий судида мазкур танловнинг ғолиблари тақдирланди.

Кенг жамоатчиликни хабардор этишга қаратилган 300 га яқин ижодий иш келиб тушган. Олий суд раисининг ўринбосари Файзулла Абдуазимовнинг эътирофи эътиборга, танловда мамлакатимиздаги барча нуфузли оммавий ахборот воситалари, хусусан, «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Ўзбекистон овози», «Алоқат», «Куч-алоқат», «Постд» каби марказий газеталар муҳбирлари, Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон», «Ешлар», «Маҳалла» теле ҳамда радиоканаллари, шунингдек, қатор интернет нашрлари журналистларининг иштироки ҳамда келиб тушган ижодий ишларнинг миқдори ва долзарблиги танловнинг нуфузидан далолат беради. Айниқса, сўнги вақтларда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш ва суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятидан кенг жамоатчиликни хабардор этишга «Norma.uz», «Telegraf.uz», «Tnews.uz», «Sharh.uz», «Anhor.uz» каби интернет нашрлари фаоллик кўрсатмоқда.

Танлов натижаларига кўра, «Энг яхши мақола» номинацияси бўйича «Халқ сўзи» газетаси муҳбири Зокир Худойшукуров, «Энг яхши телекўрсатув» номинацияси бўйича «Ўзбекистон» телеканали «Муносабат» кўрсатуви муаллифи ва бошловчиси Курбанов, «Энг яхши радиокўрсатув» номинацияси бўйича «Маҳалла» радиоканали муҳбири Олима Ҳамроева, «Энг яхши интернет материал» номинацияси бўйича ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети 3-курс талабаси Дилшодабону Аввалбоева ғолиб деб топилди ҳамда махсус дилгома ва замонавий планшетлар билан тақдирланди. Рағбатлантириш мукофоти «Правда Востока» газетаси муҳбири Оксана Малосабировага топширилди.

Шунингдек, танловнинг барча иштирокчилари Бирлашган Миллатлар ташкилоти Тарққит дастурининг «Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик» қўшма лойиҳасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Б.АБДУРАИМОВ

Таҳрир санъати ҳақида янги китоб

МУТОЛАА

Юзини сув ўпмаган олмани кўрганмисиз? Хира тортиб туради-а? Устини артсангиз, бир пасда ялтिलाб кетади. Таҳрир қилинмаган матн ҳам шундай...

Биз ўқиб турган асар қоғозга тушиши жараёнида муаллиф қанча машаққат чекса, уни ўқувчига чиройли етказишда муҳаррирининг ҳам хизмати кам бўлмайди.



Таҳрир бир қараганда оддий ишдек кўринади, аслида ундай эмас. Гоҳида бир жумла эмас, битта сўз устида устозларимиз қанчалар тер тўкишларининг гувоҳи бўламиз. Ўрнига тушмаган жумлани тўғрилаш учун улар озмулча заҳмат чекишмайди. Оддий кўз ўн қарра тикилиб тополмаган хатони муҳаррир нигоҳи бир қарашда илгари мумкин. Баъзан битта сўзни алмаштириш ёки олиб ташлаш билан бутун бир матн жилоланиб кетади. Жумла устида жангга киришган таҳрир устаси нималарга эътибор қаратиши керак, муаллиф билан ишлашнинг журналистикада қандай аҳамияти бор, деган саволлар сизни қизиқтирса, Зоир Тоҳировнинг яқинда чоп этилган «Таҳрир санъати» китобини бир мутулаа қилиб кўринг.

«Хар бир асар, у хоҳ адабий бўлсин, хоҳ публицистик, яхлит бир бутунликда бўлиши лозим. Яхлитлик матнни босдан то охиригача гўё боғлаб турувчи ип бўлиб ҳисобланади», дея қайд этилади китобда. Ҳа, журналист дилдаги гапларни борича аудиторига тақдим этишни хоҳлайди, аммо бунинг илжойи йўқ. Ёзилганлардан айримлари матн уйғунлигига беғоналик қилади. Шу беғона жумлани топиш муҳаррир маҳоратига боғлиқ.

Жумла қанча чўзилса, мантиқ бўзилиб бораверади. Гапнинг эгаси, кесини аниқлаш мушкул бўлиб қолади. Бугун қисқаликка, дўндаликка интилиш қалам аҳли олдида турган талабга айланган. Муаллиф учун ёзган асари фарзандидек азиз бўлади ва у ижод маҳсулига зарар етказилишини истамайди. Муҳаррир эса матрни сайқаллаш лозим. Агар матн таҳрир қилинган, асл ҳолатидан умуман ўзгариб кетса, муаллиф ва муҳаррир ўртасида низо келиб чиқиши табиий. Бундай вазиятда нима қилиш керак? Ушбу масала юзасидан китобнинг «Муҳаррир ва муаллиф ҳамкорлиги» қисмида кенг мулоҳаза қилинган.

Нашрнинг пухта, камчиликлардан холи чиқиши унинг муҳарририга боғлиқ, албатта. Агар муҳаррир асарни ҳам услубий, ҳам мантқиқий нуқтаи назардан яхшилаб таҳрир қилса, ўз-ўзидан ушбу оммавий ахборот воситасида фаолият юритувчи ходим ёки муаллифлар пухтароқ ёзишга ҳаракат қилади.

Матн таҳрири жуда нозик жараён. «Хар қандай тўқма матонинг биргина ипни узиш унга путур етказганидек, матн тўқмасига ҳам эҳтиётсиз бир ҳаракат билан зарар етказиш мумкинлигини муҳаррир доимо ёдида тутиши лозим», дея таъкидлайди муаллиф. Ҳа, хар бир ижодкор ўз

«мен»и асосида асар яратаяди, услубига таяниб ижод қилади. Услуб ёзувчининг паспорти, деб таъкидлайди устозларимиз. Шундай экан, таҳрир жараёнида муаллифнинг услубини сақлаб қолишга ҳаракат қилиш керак. Бу ҳақида фикр юритганда китобнинг «Услуб ва адабий таҳрир» қисмига мурожаат қилишиниз мумкин.

Шу ўринда мазкур китоб номи билан боғлиқ кичкина мулоҳазамизни билдирасак.

Муаллиф китобни аслида «Таҳрир санъати» деб номлаган. Ўзбек тили қондаларига кўра, «озик», «қозик», «мантиқ» сингари отларга учинчи шахс эгалик қўшимчаси (-и) қўшилганда, охириги ҳарф, яъни «қ» «р»га айланади. «Яхши сўз — жон озиғи, ёмон сўз — бош қозиги» мақолидаги «озиги» ва «қозиги» сўзлари бунга мисол. Шу қондалан келиб чиқиб ҳулоса қилсак, «Таҳрир санъати» эмас, «Таҳрир санъати» бўлиши керак (эди). (Мақоламизда китоб номининг тўғри шаклини ишлатганимизни муаллиф ҳам, ўқувчиларимиз ҳам тўғри тушунадилар, деган умиддамиз).

Қалам аҳли учун таҳрир санъатини билиш мумкин. Ўйлаймизки, «Таҳрир санъати» бу масалада сизга ёрдам беради.

Шоҳсанам КОМИЛОВА

ҲАМКАСБЛАРИМИЗ

Устозлик шунчалик мақом эмас, унинг ортида узоқ йиллик меҳнат машаққати, шоғирдлар камоли учун фидойилик турибди. Айниқса, ҳозирги шиддатли давр журналист зиммасига янада каттароқ масъулият юклайди. Жойларда ечимини кутаётган муаммоларни ёритиш, жамоатчиликда ижтимоий фикр уйғотиш, халқ дардини ўз дарди деб янаша бугуннинг долзарб мавзуси. Ана шундай фазилатга эга устоз журналистлар кўп.

ҲАР СОҲАДА ЎРНАК

Ўз нуқтаи назарига эга, ҳақ-ҳуқуқи, бурч ва масъулиятини теран англаган, турли мавзуларни ёритишда изчиллик билан масалага ёндашадиган устозимиз Аҳмаджон ака Тўхтасинов ҳақида сўз айтишни лозим топдим. 40 йилдан буён соҳада фаолият олиб бораётган бу инсоннинг тажрибаси биз учун катта сабоқ мактабидир.

Аҳмаджон Тўхтасинов узоқ йиллар ҳозирги «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг вилоят муҳбири бўлиб ишлади.

Соҳага кириб келган йиллари устозларим, истеъодли журналистлардан сабоқ олдим, ўргандим, улардан миннатдорман. — дейди Аҳмаджон ака.

2003 йилдан буён вилоятда нашр этиладиган «Меҳнат ва турмуш» сардори. Шу билан бирга вилоят касабая уюшма фаолларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб, тингловчилар малакасини ошириш бўйича ўқув-семинарлар ташкил этиб келяпти.

Аҳмаджон ака табарруқ 75 ёшга тўлган бўлсалар-да, ҳануз изланишдан толмайди. Ватанимиз тарққити йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни очик-ошкора айтишдан, мавзуга ҳолисона ва ҳаққоний ёндашишдан чарчамайди.

Бу инсоннинг журъди, сабр-бардoshiга қойил қолмай илжойи йўқ, — дейди унинг қувалик муҳлиси, вилоятимиз фахрийларидан бири Раҳматулло Имомқулов. — Еши бир жойга бориб қолгани, халқимизда муҳим вазифалар турганига қарамай, доим халқ орасида юриб, одамларни қийнаётган муаммолар ечимини учун куйиб-пишиб йўл, имкон излайди. Айниқса, ўтган йили чоп этилган ноқонуний транспорт хизмати кўрсатиши, банк пластик карточкалари билан боғлиқ кўплаб муаммоларни ҳал этишда унинг саъй-ҳаракати айни мўлдоа бўлди. Вилоятда ушбу масалага мутасаддилар, бошқа ОАВлар жон куйдириб ёндашмаган бир пайтда кекса журналистнинг олдинги сафда туриб, далиллик билан ишга киришгани кўпчилик учун ўрнак. Қолаверса, жамоат ишларида ҳам Аҳмаджон Тўхтасинов раҳбарлигидаги журналистларнинг фаоллиги, аҳолининг дарду ташвиши, ютуқ ва камчиликларни рўй-рост олиб чиқишидан барчамиз мамнун бўлдик.

Ҳаётда ўз ўрнини топиш, ҳалоқ яшаб, эл ҳурматини қозониш, ўзидан яхши ном қолдириш инсон учун энг катта бахтидир. А.Тўхтасинов ана шундай бахтли инсон бўлган инсонлардан бири. Устозга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайман, соҳа ривожини учун хизмат қиладиган шоғирдлар тайёрлашдан ҳеч толмасинлар...

Маъруфа СОЛИЕВА, Фарғона вилояти

Сайтлар қачон жонланади?!

ТАҲЛИЛ ВА ТАНҚИД

Ахборот коммуникация технологиялари тараққий этиши билан ҳаётимизни қулайликларга бойитиш мақсадида тақдим этилаётган тежамкор ва ишончли имкониятлардан бири «Электрон ҳукумат» тизимининг жорий этилишидир. Маълумки, «Электрон ҳукумат» тизими жаҳон амалиётида ўзининг афзалликларини намойён этиб улгурган. Ўзбекистонда ҳам кенг миқёсда ривожланиб бораётган мазкур тизим давлат ҳокимияти органлари, бизнес соҳаси, айниқса, фуқароларга турли давлат хизматларини кўрсатиш билан ахборот хизматини тақдим этади. Бугун вилоят ҳокимликлари расмий веб-сайтлари ана шу вазифани нечоғли адо этишмоқда? Куйидаги мулоҳазаларимиз шу ҳақда.



Бухоро вилоят ҳокимлиги сайти «buxoro.uz» да онлайн мурожаат юбормоқчи бўлган шахс мактубини ўзининг электрон почтаси ёки «Ягона интерактив давлат хизматлари» дарчаси — «my.gov.uz» орқали юбориши мумкин. Яна бир бор эслатиб ўтамиз, аҳолининг барча қатламида ҳам электрон почта очилиш ва ундан фойдаланиш имконияти йўқ. Мурожаат ёки шикоят бор вилоят аҳолисининг кекса қатлами буни бирининг ёрдამисиз амалга ошириши мушкул. Шу сабабдан ҳам тақлиф сифатида айтган бўлардик, жойларда, айниқса, давлат мутасаддиларига вакиллари ҳамда вилоят ҳокимлари билан бевосита онлайн мулоқот қилишининг

энг содда, қулай ва замонавий йўли «электрон ҳукумат» тизимини такомилга етказишдир. Вилонинг учун, аввало, вилоят ҳокимликлари сайтларининг ўзидаёқ бир қатор онлайн қулайликлар яратиши керак. Саволига жавоб ололмаётган, муаммосига ечим тополмаётган, шу билан бир қаторда, ўз мурожаатларини осон усулда мутасадди раҳбарларга етказмаётган аҳолининг ёши улуг қатлами, афсуски, ҳануз кўпчилигини ташкил этади. Шунинг билан бир қаторда, ҳолда электрон почта, шахсий кабинет ёки ягона интерактив хизматлар дарчасига бориб тақдирлашдан, ёш қари барча учун осон ва қулай муқолаб вариантини йўлга қўйиш наҳотки шунчалар мушкул?! Ё бунга ҳануз бепарволик, ё сансалорлик

илоят ҳолатидаги, вилоят аҳолисининг касалланиш кўрсаткичи бўйича 2013—2014 йиллардаги, ташиқ савдо айланмаси хусусида ҳам 2014—2015 йиллардаги маълумотларни олдик. Яна бир гап, сайт икки тилда фаолият юритса-да, унинг фақат ўзбек тилидаги варианты ишлаб турибди. Рус тилидаги кўриниши эса «Русская версия сайта: buxoro.uz» наҳотки янгилик бўлиб ётибди.

Мазкур сайтнинг қай даражада ишлагани баҳолаш тизими орқали ҳам билиб оласан бўлардик. 402 та аъло баҳо, 311 та қониқарсиз...

«Янгиликларга ёзилиш» бўлимида ҳам турли электрон манзилларимиз орқали ёзилишга ҳаракат қилдик, лекин шу бўлимда ўзимиз учун яна бир «янгилик»ни кашф этдик. Сайтнинг бош саҳифасига яна ва яна қайтавердик. Очик маълумотлар порталига киришганимиз, вилоятдаги турли соҳалар бўйича ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб олишга умид бўлардик. Афсуски, молиявий барқарорлик, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя, тадбиркорлик ва бизнес, табиатини муҳофаза қилиш, туризм бўлиmlари бизни «маълумот топилмади» деб хуноб қилди. Коммунал хўжалиги бўлимидаги иссиқлик манбаи тўғрисидаги маълумотни рус тилида олдик. Ваҳоланки, сайтнинг ўзбек тили вариантда адик. Вилоятдаги фермер хўжаликлар кўрсаткичлари бўйича эса 2015 йилнинг 1

ҳам фойдаланувчида қатор саволлар, эътирозлар ва тақлифлар борлиги шакл-шубҳасиз.

Сирдарё вилоят ҳокимлиги расмий веб-сайтнинг кузатарканмиз, интерактив хизматларнинг электрон хизматлар тарзида берилганлик гувоҳ бўлдик. Унда ҳам жисмоний ёки юридик шахсларнинг мурожаатлари Бухоро вилоят ҳокимлиги расмий веб-сайтидагидек амалга оширилган экан. Бироқ мазкур сайтда ҳеч қандай шахсий кабинет рўйхатидан ўтиш шарт эмас. Исм-шариф, уй манзили, телефон ва паспорт рақамлари ҳамда электрон почта манзили сўралар экан, ҳолос. Агар бирор керакли майдон тўлдирилмаса, мурожаат жўнатилмай қолади.

Сирдарё вилоят ҳокимлиги расмий веб-сайтини кузатарканмиз, интерактив хизматларнинг электрон хизматлар тарзида берилганига гувоҳ бўлдик. Унда ҳам жисмоний ёки юридик шахсларнинг мурожаатлари Бухоро вилоят ҳокимлиги расмий веб-сайтидагидек амалга оширилган экан. Бироқ мазкур сайтда ҳеч қандай шахсий кабинет рўйхатидан ўтиш шарт эмас. Исм-шариф, уй манзили, телефон ва паспорт рақамлари ҳамда электрон почта манзили сўралар экан, ҳолос. Агар бирор керакли майдон тўлдирилмаса, мурожаат жўнатилмай қолади.

Бухоро вилояти ҳокимлиги ўз сайти устида ҳали давомли ва истиқболли ишларни амалга ошириш шарт ва зарур. Бугун биз фақат интерактив хизматлар борасида сайтни таҳлил қилдик. Унинг кўриниши, мазмунини борасида

унга жавоб хати йўллаш ёки боғланиш учун зарур қилиб белгиланган бўлса, шу бандни телефон рақамини кiritиш орқали «SMS» жўнатиш ёки сайтнинг ўзида алоҳида мурожаатлар учун жавоблар бўлими ташкил этиш билан ҳал қилиш мумкин эмасми? Ушунда ҳеч бир тўсиқсиз барча ёшларга хизматларнинг электрон хизматлари тақлиф ва шикоятларини анча енгил усулда жўнати олиш шари. Мазкур вилоят ҳокимлиги сайтида «раҳбар қабулига онлайн тарзда ёзилиш» хизматининг йўлга қўйилгани эса раҳбар эшиги олдида ортиқча наваб кутишларнинг олдини олиб, аҳолига яна бир қулайлик яратаяди.

Ишонч телефонларини баҳолаш ва мурожаатлар статистикаси ҳам яхши йўлга қўйилган-у, аммо эътиборимизни тортган бир жиҳат бор. Ишонч телефонига берилган баҳо-лар рақамларида ва фоизларда турли ранглар орқали ажратиб берилган. Бу яхши. Лекин қайси ранг қандай маънода (масалан, қизил «қониқарсиз»ми, яшил «аъло»ми) қўллангани номаълум. Яна бир тақлиф айтган бўлардик, агар фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга масъул шахсларнинг исми-шарифи, лавозими, у билан боғланиш рақамлари бевосита ҳокимлик сайтлари орқали ошкора билдирилса, бу ҳам онлайн тарзда ўз саволларини йўллай олмаган юртдошларимиз учун бир имконият бўларди. Хоразм вилояти ҳокимлиги расмий веб-сайти — «xorazm.uz» да ушбу тақлиф аллақачон амалга ошган. Бошқа ҳокимликлар ҳам «xorazm.uz» дан ўрнак олса, зарар қилишмасди.

«sirdaryo.uz» нинг яна бир эътирофга лойиқ жиҳати сайтининг қонунчилик талабларига нечоғли мувофиқ эканлигини санаб ўтган ва хар бир банднинг исботи сифатида ўша саҳифаларга ҳавола-лар йўналтирилган. Сайтининг ўзбек тилидан ташқари рус, инглиз тилларидаги кўринишлари йўлга қўйилгани яхши-куя, аммо рус тилидаги янгиликлар охириги марта 2016 йил июль ойида, инглиз тилидагиси эса 2016 йил январь ойида янги-ланган эканда! Ҳеч бўлмаганда, ҳафтада бир марта янгиликларни кiritишга туриш оғирлик қилмас, деб ўйлаймиз.

Хуллас, қидирган кўзга муаммо ва камчиликлар ташланавери, эътирозлар кўпаявери. Ўйлаймизки, эътироз ва тақлифларимиз асосли. Шунинг учун хар бир вилоят ҳокимликларидан ўз расмий веб-сайти-ларига алоҳида эътибор беришларини истадик. Зеро, мазкур сайтлар энди нафақат янгилик бериш, балки аҳоли билан онлайн тартибда ишлаш, мулоқот қилиш, ахборот алмашиш вазифасининг ҳам ўтайди.

Гўзал МАЛИКОВА, «Hurriyat» муҳбири

АДОЛАТ ВА ҚОНУНИЙЛИКНИ ЎСТУВОР БИЛАН ЗОТ

► ШАРҲ ЎРНИДА

Одатда ҳар бир давлат ўзининг Конституциясига ва шу асосда ўз конституциявий тузумига эга бўлади. Соҳибқирон Амир Темурнинг "Темур тузуклари" Шарқ цивилизациясига хос алоҳида шаклдаги конституциявий ҳужжат хусусиятига эга бўлган. Амир Темур тузуклари фикҳ қоидалари билан бир қаторда, Осиё қитъаси, хусусан, Марказий Осиё минтақаси халқлари тақдирига кучли таъсир ўтказган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси яратилишининг мураккаб ва муҳим ҳамда тарихий соҳнага назар солинса, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг мустақиллик сари узоқ изланишлари натиқлиги натижаси эканлиги аниқ ҳис қилиниши мумкин. Конституция "пойдевори"ни қуришда уч минг йиллик тарихий давлатчилик таърибига таянган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, замонавий Ўзбекистоннинг тарихи — бу мамлакатимизнинг ҳақиқий мустақилликка эришиш йўлида Ислоом Каримов раҳнамолигида олиб борилган ўта мураккаб ва оғир курашлар тарихидир. Буюк Йўлбошимиз ҳақида равишда демократик талаблар ва халқро мезонларга тўлиқ жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий муаллифи эди.

Конституциявий мустақиллик йўлидаги биринчи ҳуқуқий қадам — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Мен ўша даврда ҳуқуқнинг тил муаммоларини ўрганиш ишчи гуруҳи аъзоси сифатида Ислоом Каримовнинг 1989 йил 23 июнда Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари сифатида иш бошлаши билан боғлиқ тарихий жараёнларнинг бевоқифа иштирокчиси бўлганман.

1989 йил 21 октябрда "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилиниб, маъбуотда эълон қилинди. Қонунда мустақамланган муҳим ҳуқуқий қоидалар кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида қўйилганча мустақамланди: "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудинда истиқомат қилувчи барча миллат ва элларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратилади".

Конституциявий мустақиллик йўлидаги иккинчи ҳуқуқий қадам — Президентлик институти таъсис этилиши билан боғлиқ. Юртимиз ҳаётидаги буюқ муҳим тарихий воқеа 1990 йилнинг 24 мартда юз берди. Мустақиллигимиз эълон қилинишидан анча олдин, ўн иккинчи қаҳриқ Олий Советнинг биринчи сессиясида Ўзбекистон Президентлиги лавозимини жорий этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Ушбу сессияда Ислоом Каримов Ўзбекистоннинг биринчи Президенти этиб сайланди.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясини яратиш гоёси илк бор ана шу сессияда илгари сурилди. Собиқ иттифоқ республикалари орасида биринчи бўлиб мамлакатимизда Президентлик лавозимини таъсис этилгани бунинг ақвоқ таъкидидир. Президентлик институтининг жорий этилиши Ўзбекистоннинг давлат суверенитети ва мустақиллигига эришиш йўлида чинакам сиёсий ва маънавий жасорат намунасидир.

Конституциявий мустақиллик йўлидаги учинчи ҳуқуқий қадам — Конституциявий назорат комиссиясининг ташкил этилишидир. Президентлик институти жорий этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган сессияда таъкидланган Конституцияга ўзгариш ва қўшимчалар киритишга доир қонун лойиҳасида Кон-

ституцион назорат комитетининг тузилиши ҳам назарда тутилган эди. Бунда депутатлар томонидан ушбу олий давлат органининг Президентлик ҳокимиятини мувозанатга келтириб турувчи ўзига хос ҳуқуқий восита вазифини бажаришига алоҳида ургу берилди. Шу тариқа бугун амалда бўлган яна бир конституциявий институт — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига истиқлол арасидаёқ асос солинди.

Конституциявий мустақиллик йўлидаги тўртинчи ҳуқуқий қадам — давлат раъзларининг қабул қилиниши бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, герби ва мадҳиясини яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши, Президент лавозимининг таъсис этилиши, давлат номининг эълон қилиниши, расмий давлат раъзлари — Давлат байроғи, герби ва мадҳиясининг қабул қилиниши, ўз валютаси, пойтахти, тили, ҳудуди, фуқаролиги, умумхалқ байрамларига эга бўлиш дунё харитасида янги давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлигининг ифодасидир.

Конституциявий мустақиллик йўлидаги бешинчи ҳуқуқий қадам — Мустақиллик декларациясининг эълон қилинишидир. Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан 1990 йил 20 июнда эълон қилинган Мустақиллик декларациясининг 8-бандида Ўзбекистон "ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилайди", деган қоида мустақамланган. Декларациянинг 12-бандида ушбу ҳужжат республиканинг "янги Конституциясининг йўлида чиқиш учун асос" бўлиши қайд этилган.

Конституциявий мустақиллик йўлидаги олтинчи ҳуқуқий қадам — Конституциявий комиссиянинг ташкил этилиши билан боғлиқдир. Олий Кенгаш қарори билан 1990 йил 21 июнь кунин Ислоом Каримов раислигида давлат арбоблари, депутатлар, мутахассислардан иборат 64 нафар аъзони ўзида жамланган Конституциявий комиссия тузилиди ва Конституция лойиҳаси ана шу комиссия томонидан икки йилдан ортиқ вақт мобайнида тайёрланди. Ушбу вазибаларни амалга оширишда Биринчи Президентимиз буюқ давлат ва жамоат арбоби, истеъдодли сиёсий етакчи сифатида намоён бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги биринчи лойиҳасида бу ҳақда шундай деди: "Олий Кенгаш депутати сифатида мен ҳам Конституциявий комиссия таркибиде Бош қомусимизни яратиш ва қабул қилиш жараёнида бевосита иштирок этганимни доимо фахрлиб эслайман. Конституциямизнинг қандай қилиб ҳозирги мазмун ва шаклга келгани, бу мураккаб жараёнда кечган қизгин тортишув ва баҳс-мунозаралар бугунгидек ёдимда. Ҳақиқатан ҳам, 90-йиллардаги ўта оғир даврда Асосий қонунимиз лойиҳасини ишлаб чиқишда Ислоом Абдуғаниевичдек кенг миқёсда, стратегик фикрлайдиган, узоқни кўра оладиган буюқ сиёсий арбобнинг бу ишга раҳбарлик қилгани ҳал қилувчи аҳамият касб этди".

Конституциявий мустақиллик йўлидаги наватдаги ҳуқуқий қадам — Давлат мус-

тақиллигининг эълон қилинишидир. Биринчи Президентимиз Ислоом Каримовнинг 1991 йил 31 августда, ўн иккинчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида сўзлаган нутқида: "Мен шу бугундан эътиборан 1 сентябру республикамизда Мустақиллик кунин, умумхалқ байрами, деб эълон қилишни таклиф этаман", деган сўзлари Ватанимиз тарихига олтин ҳарфлар билан мангуга ёзилган.

Ҳудди ўша кунин Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Баёнот қабул қилди. Баёнотда таъкидландики, "Бундан буён Ўзбекистон Республикаси ҳудудинда республика Конституцияси ва қонунлари шак-шубҳасиз усту деб эътироф этилади". Шу кунин "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги конституциявий қонун қабул қилинди.

1991 йил 29 декабрда биринчи умумхалқ Президент сайлови ва давлат мустақиллиги

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу ҳақда шундай деди: "Олий Кенгаш депутати сифатида мен ҳам Конституциявий комиссия таркибиде Бош қомусимизни яратиш ва қабул қилиш жараёнида бевосита иштирок этганимни доимо фахрлиб эслайман. Конституциямизнинг қандай қилиб ҳозирги мазмун ва шаклга келгани, бу мураккаб жараёнда кечган қизгин тортишув ва баҳс-мунозаралар бугунгидек ёдимда. Ҳақиқатан ҳам, 90-йиллардаги ўта оғир даврда Асосий қонунимиз лойиҳасини ишлаб чиқишда Ислоом Абдуғаниевичдек кенг миқёсда, стратегик фикрлайдиган, узоқни кўра оладиган буюқ сиёсий арбобнинг бу ишга раҳбарлик қилгани ҳал қилувчи аҳамият касб этди".

тўғрисидаги референдум ўтказилди. Халқимиз давлат мустақиллигини қўллаб овоз берди ва муқобиллик асосида ўз Президентини сайлади.

1992 йил 4 январь кунин Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ана шу сайлов ва референдум якунларига бағишланган тўққизинчи сессияси очилди. Ушбу сессияда Ислоом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентлиги лавозимини бажаришга киришиш тантанали маросими бўлди.

Конституциявий комиссия 1992 йил 8 сентябрда Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамаи учун эълон қилишга қарор қилди. Янги Конституциянинг биринчи лойиҳаси 1992 йил 26 сентябрь кунин тайёр бўлди ва шу кунин маъбуотда чоп этилди. Лойиҳа эълон қилинган, унинг умумхалқ муҳокамаи жула кенг тус олди. Бу очиқ-ошқора муҳокама фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, ижодий кўтаринкилиги руҳида ўтди.

Конституция лойиҳаси ўтказилган муҳокамалар домида келиб тушган таклифлар асосида тузатилади ва қайта ишланди. 1992 йил 21 ноябрь кунин умумхалқ муҳокамаи давом эттириш учун Конституция лойиҳаси иккинчи марта газеталарда эълон қилинди.

Шундай қилиб, ҳуқуқий президент — икки босқичли умумхалқ муҳокамаи юз берди. Ушбу ҳолат, бир томондан, муҳокама иштирокчиларини фаоллаштириш учун қудратли рағбат вазибаларни бажарган бўлса, иккинчи томондан,

Асосий қонунимизнинг халқчилигини таъминлади. Конституция лойиҳаси кенг жамоатчилик экспертизасидан ўтди. Конституциявий комиссия томонидан 1992 йил 6 декабрда Конституция лойиҳаси охириги марта муҳокама этилди. Биринчи Президентимиз сессияда Конституцияни "халқчил қомус" деб атаб, унинг лойиҳаси устида тахминан икки йил давомида ишлангани, икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамаидан ўтганлиги ва шу вақт мобайнида у халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилганини, сайқал топганини таъкидлади.

Ислоом Каримов Конституция лойиҳасини биринчи марта эълон қилинганча тўрт марта, кейинги эълон қилинганча икки марта, ҳужжатни сессияга киритишдан олдин яна бир марта таҳрир қилди. Бу тузатишлар ва қўшимчаларнинг ҳаммаси жула муҳим эди.

Ислоом Каримов Конституция лойиҳасини аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқчилиги, давлатнинг маданият ёлғорлик

халқ бўлиб, давлат ҳалқнинг иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади", "Давлат, унинг идоралари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар", шунингдек, "Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан қимоя қилинади", деган мазмундаги қоидалар чуқур шарҳлаб берилди.

Олий Кенгаш сессиясига муҳокама қилиш учун киритилган Конституция лойиҳасига 80 га яқин ўзгариш, қўшимчалар таклиф этилди ва аниқликлар киритилди. Парламент депутатлари томонидан лойиҳа модлама-модда муҳокама қилиниб, унга яна бир қатор ўзгаришлар киритилганча, 1992 йил 8 декабрь кунин Бош қомусимиз қабул қилинди. Шу кундан эътиборан 8 декабрь — умумхалқ байрами деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси том маънода янги Конституция бўлиб, жаҳоннинг ривожланган давлатларида қарор топган демократик конституциялар принциплари асосланган. Асосий қонунимиз бевосита ички демократик эканлиги, ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти тамойилларига мувофиқлиги туфайли янги конституциявий тузумга ўтиш даврининг мураккаб шароитларида конституциявий қонунчилик ва ҳуқуқий майдон доирасида тўб демократик ўзгаришларни ўтказишни таъминлаган асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Айни чоғда мамлакатимизни кенг миқёсда демократик янгилаш ва эркинлаштириш йўлида биз қўйган изчил қадамлар ҳамда эришган марралар, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги дунё, шунингдек, ўз олимиздаги буюқ мақсалимиз — истиқболда ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, ўз навбатида, ўтказилаётган ислохотларни янада кучайтириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида олдимизга улкан вазибаларни қўяётганини ўзимизга аниқ-равшан тасаввур этамиз.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Конституция нормалари давлат органлари ва фуқаролик жамияти институти ривожланишининг юридик механизмлари белгилаб бермоқда. Конституциямиз давлат сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётининг кўзгусидир. Амалга оширилаётган демократик ислохотлар "конституциявий кўзгу"да акс этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Конституцияни ишлаб чиқиш, муҳокама этиш ва қабул қилиш жараёнлари, шунингдек, Асосий қонунимизнинг 25 йилдан буён амалда намоён этаётган самаралари Биринчи Президентимиз Ислоом Каримовнинг "Конституция — давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомуснома" бўлганлиги, у "халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини" акс эттириши, унинг "халқимиз тафаккури ва ижодининг махсули" экани ҳақидаги ҳикматли хулосалари гоёта тўғри ва асосли эканини ақвоқ тасдиқлайди.

Конституция — суверен давлатимизнинг ҳуқуқий асосини шакллантиришнинг мустақам пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди. Бугун ҳаётнинг ўзи, мамлакатимиз эришаётган юксак марралар Конституциямизда мустақамлаб қўйилган, халқимизнинг орзумидлари, бугунги ва келажак манфаатларига жавоб берадиган қоида ва принциплар нақадар тўғри эканини исботлаб бермоқда.

Акмал САЙДОВ,
юридик фанлар доктори, профессор.
ЎЗА

► БУ ТУРФА ОЛАМ

Қадимги ҳиндулар математик бўлган...ми?

Аризона университети тадқиқотчилари XIII асрда яшаган Анасази ҳиндулари мислсиз математик қобилиятга эга бўлганини аниқлашди.



Анасази аҳолисининг насл-насаби тўб Америка маданияти илдизларига бориб тақалади, яъни уларнинг авлодлари ҳозирги АҚШнинг жануби-ғарбий ҳудудида яшаб келаётди. Анасази ҳиндулари тошдан барпо этган йирик иншоотлар ўта синчковлик билан, пухта режа асосида яратилган кўча ва мавзеларга жойлаштирилган. Шулардан бири бугунгача етиб келган Аризонадаги Чако-Каньон миллий боғи ҳудудида жойлашган қадимий Пуэбло-Бонито қишлоғидир. Бу ерда IX-XIII асрларда одамлар яшаган.

Олимлар ушбу манзилгоҳдаги қурилишларни таҳлил қилар экан, архитектура унсурларида қадимги Миср ва Греция санъати услублари татбиқ этилгани маълум бўлди. Қурилишларда тўртбурчак, тўғри бурчакли учбурчак, квадрат каби геометрик фигуралардан фойдаланилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, математик ҳисоб-китоб билан иншоотлар барпо этиш улар учун қийин бўлмаган, аммо анасазилар ушбу ҳисоб-китобни ёзма равишда амалга оширмаган. Шунга қарамай, геометрик фигураларда деярли камчилик сезилмайди. Олимлар анасазиларнинг 30 сантиметрли ўлчов асбобини ҳам топган.

Смартфонлар шифокорларга ёрдамчи



Смартфонларнинг кўп жиҳатдан қулайлиги, бир қанча вазибаларни бажара олишини билар эдик. Эндликда олимлар "iPhone"ни ОИБ, саратон ва қанд касалини ташхислаш, қондаги шакар миқдорини аниқлаш ва кўришда қўллаш мумкинлигини аниқлашди.

Стэнфорд университети мутахассислари смартфон эгасини тезда тери саратонига текширувдан ўтишга қаҳрувчи алгоритм яратди. Маълумки, меланоманинг (тери саратони) дастлабки босқичларида аниқланса, уни даволаш 97 фоиз ҳолатда касалдан тўлиқ фориг бўлишни кафолатлайди, агар ташхис кечроқ қўйилган бўлса, соғайиб кетиш имконияти 14 фоизгача пасаяди. Тадқиқотчилар таъкидлашча, улар яратган алгоритм тери саратонини илк босқичларида дерматологик аниқликда аниқлаш олашга қўрир.

Айни вақтда алгоритм 18 та онлайн-омбордаги маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда фақат компьютерда ишламоқда. Келгусида тадқиқотчилар дастурни смартфонга мослаштиришни режалаштираётди. Бу қачон ва қайси ташхислаш тамойилларга қўра амалга оширилиши ҳозирча маълум эмас.

Улкан жонзотлар қирлишининг яна бир сабаби

Америкалик ва австралиялик олимлар ҳозирги Австралия, Тасмания ва Янги Гвинеяни бирлаштирган Сахул суперқитъасида сўнгги муз даврида яшаб ўтган улкан ҳайвонларнинг қирлиб кетиш сабабларидан бирини аниқлади.




Олимлар фикрича, ушбу сут эмизувчилар нобуд бўлишига уларнинг емишлари қамайиши сабаб бўлган.

— Иқлим қуруқлашиб боргани сари ҳайвонларнинг овқатланиш тартиби ҳам кескин ўзгариб борганини кўрсатувчи далилларни топдик. — дейди тадқиқот муаллифларидан бири Лариса де Сантис.

Бундай хулосага келишга олимларнинг ҳозирги Австралия ҳудудида 350—570 минг йил аввал, йирик организмлар кенг тарқалган даврда ҳамда 30—40 минг йил аввал, улар қирлиб кетган вақтда яшаган ўтхўрлар рационини солиштириб қўришлари сабаб бўлди. Ҳайвонлар тишларидаги кислород ва углерод изотоплари уларнинг овқатланиш рационини ҳамда атроф-муҳит ҳарорати ва намлигини баҳолаш имконини берди.

Олимларнинг ушбу тадқиқоти Сахул фаунаси йирик вакиллари қирлиб кетишига сайёрамизда пайдо бўлган одамлар сабаб, деган фикрнинг рад этади.

Чинсон терисининг муқобили



Янги техника ва технологиялар оқибатида бугун нималар амалга ошаётди, дейсиз. Испаниялик олимлар 3D-принтер ёрдамида биологик материаллардан ишлаб чиқилган терини тақдим этди. Бунинг қарангки, бу тери одам териси билан бир хил экан.

Ушбу кашфиёт Карлос III номидаги Мадрид университети мутахассислари, Мадридда Григорио Мараньона университети госпитали, Энергетика, атроф-муҳит ва технология соҳасидаги тадқиқотлар маркази ва "BioDan Group" компанияси ходимлари ҳамкорлигида ишлаб чиқилди. Терини принтерда чоп этиш учун махсус усулда қиртилган биосиёҳдан фойдаланилди. Сўнгги терини одам териси тузилишини такрорлайди.

Бунда асосий қийинчилик биологик материални аралаштириш ва уни принтерга давомий киритишнинг тўғри йўлини ташлаш бўлди. Чоп этилган тери эпидермис (терининг ташқи қавати) ва дерма (тери тўқимаси)дан ташкил топган. Тери биологик фаол, озиқланади, янгиланади, эластиклигини таъминловчи коллаген ишлаб чиқаради.

Интернет материаллари орасида
Х.АХМАДЖОНОВА тайёрлади.

ИММ ИЗЛАГАНГА ИММДИР ДУНЁ

АСРАРНИНГ АСРАГАНЛАРИ

Истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб, улуг бобо-ларимиз меросини чуқур ўрганишга киришилди. Жумладан, беназир аллома Имом Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий асарлари ҳар томонлама тадқиқ этилиб, кенг жамоатчиликка тақдим қилинаётир. Инчунун, ҳазратнинг шоҳ асарлари "Ал-Жомеъ ас-саҳийҳ" (4 жилдлик) ва "Ал-адаб ал-мафрад" тўлиғича китобхонларга тортиқ этилди. Тошкент ислом институтига Имом Бухорий номи берилган. Қолаверса, бир неча жомеъ мас-жидлари буюк муҳаддис номи билан аталади.

1997 йил 29 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Муҳаммад ибн Исмоил Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигини нишонлаш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинган. Унга асосан Самарқанд вилоятининг Ҳартанг қишлоғида, аллома дафн этилган ғишда муҳташам мажмуа барпо этилди, бу авлодларнинг у зотга чекиз эҳти-ромни рамзи эди. Мазкур ёлдорлик мажмуи Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Андижон, Наманган, Кўхон ва Шаҳрисабз усталари то-монидан қисқа муддат, яъни саккиз ой мобайнида бино қилинди. Мажмуа таркибиде ҳазратнинг мақ-бараси, катта жомеъ масжиди, му-зей ва бошқа иншоотлар бор. Шу-нингдек, бу худудда бешта чинор ва улар бўйидаги ҳовуз ҳам тарихий аҳамиятга эга. Ушбу дараклар XVI асрда Бухоро хони Абдулла-хон даврида экилган. Мутахассис-ларнинг аниқлашча, чинорларнинг ёши 570 дан ошган.

Имом Бухорий номи дунё миқёсда чуқур ҳурмат билан тил-га олинади, хорижда, айниқса, му-сулмон оламида юксак эҳтиромга сазовор бўлса-да, собиқ тузум дав-рида ўз юртида эътибордан четда эди. Ҳаёти ва бебаҳо мероси деяр-ли ўрганилмас, у зот абдий кўнум топган маскан ташландиқ ҳолда бўлганини ёши улуг юртошларим-из яхши эслайдилар.

— Мустақиллигимизнинг даст-лабки йилларидан ушбу масканини оёқ қилишга алоҳида эътибор қарати-лгани бежиз эмас. Негаки, ўзли-гимизни, қандай улуг инсонларнинг авлоди эканлигини англаш, мил-

лати қадриятларимизни тиклаш йўлига киришар эканмиз, бу иш-ларнинг дебосасида Имом Бухорий ҳазратларининг маънавий меросини тиклаш вазифаси турини табиий ҳол-дир, — дейди Ҳартанг қишлоғи-даги Имом Бухорий жомеъ масжид-и имом хатби Зайниддин Эшон-қулов. — Чунки бу динимизга қил-ган хизмати барча замон уламолари томонидан юксак эътироф этилган. Мисол тариқасида қатарлик олим Доктор Муҳаммад Али Донавийнинг "Ал-Умма" журналидаги (1982 йил, август) "...Дарҳақиқат, Исрому ум-мати кўпгина фазилатлар, илм ва ҳидоят эвазига Бухорийдан қарздор-дир. Бу уммат зиммасига юклатил-ган вазифа шуки, улар фарзандла-рига мактабларда, олий таълим дар-гоҳларида ва мажлисларда Бухорий ҳазратлари ўзи ким эканлигини ўргатишлари лозим", деган сўзла-рини келтириб ўтиш kiffo.

бу ишларида фойдаланиш учун зарур дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий-амалий тавсиялар тайёрлай-ди, қадимий қўлёзма ва тошбосма асарларини ўрганиш бўйича тадқи-қотлар олиб боради. Марказда йи-лига тўрт марта "Имом ал-Бухор-ий сабоқлари" илмий-маърифий журнали нашр этилади.

Шунингдек, марказда илмий тад-қиқотлар ва малака оширишнинг са-марадорлигини оширишга қаратил-ган бир неча бўлим фаолият юри-тади. Халқаро алоқалар бўлими дунё миқёсда илмий конференциялар, симпозиумлар ва семинарлар ўт-казиши, халқаро илмий лойиҳаларда иштирок этишни таъминлайди ҳамда Имом Бухорий мероси ва ҳадиё илмини ўрганиш борасида халқаро ҳамкорлигини йўлга қўй-ди. Ахборот-ресурс маркази юқорида кўрсатилган бўлимлар фаолиятининг мукаммал бажарилишини таъмин-лаш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш имкониятини яра-тади ҳамда тегишли илмий ва услу-бий тавсияларни тайёрлайди. Ман-балар ҳазинаси номи бўлимида эса нодир қўлёзма ва тошбосма асар-ларни асл ҳолида сақлаш, аҳоли қўлида мавжуд ноёб тарихий асар-ларни йиғиб олиш, таъмирга муҳ-тожларини тиклаш ва бу асарлар ус-тида илмий тадқиқот ишларининг олиб борилишини, кейинги авлод-ларга асл ҳолида етказилишини таъ-минлаш мақсадида маъсулликни вази-фа бор.

Мухтасар айтганда, ушбу Мар-казда Имом Бухорийлик беназир инсоннинг илмий меросини пухта ўрганиш, тартиб этиш вазифасини бекаму кўст бажариш учун барча ша-ронитлар яратилган. Бу йўлда фи-локорона меҳнат қилаётганлар эса қил-бан инсонийликнинг олий мақоми-га мушарраф бўлиши шубҳасиз.

Яқинда муборак ҳаж амалини адо этиб қайтган инсон билан сўхбатла-шиш қолдим. Унинг айтишича, биз у муҳаддис жойни тавоф қилишни қанча истасак, Саудия Арабистони-да яшовчи диндошларимиз Имом Бухорий дафн этилган тупроқни бир кўришга орзумд экан.

Бутун бу ерга дунёнинг турли бурчақларидан зиёратчилар ташриф бурмоқда. Юксак лид ва маҳорат билан безатилган қосинли айвон-лар, маҳобатли мақбара, серфайз ҳовлига салобатли масжид Ўзбеки-стондаги тинчлик-осойишталик, дўстлик-товушлик, диний баркирен-лик муҳитининг намунаси.

Ситора ТОЖИДИНОВА, "Hurriyat" мухбири



КЕЛИНГ, КАЛЪЯНКАШЛИК ҚИЛАМИЗ! "ЧАТОКДАН МАКТУБЛАР" ТУРКУМИДАН

Ассалому алайкум, Тошвой! Мактубим эъти-бордан четда қолмаганига хурсанд бўлдим. Га-зетанинг бир бурчағида "Фуқаролардан тахри-рига келган хатлар доимий эътиборимизда...", деб ёзган аҳдидега содиқ эканман.

Утган сафар "Тез ёрдамми, без ёрдамми?" деган мавзуда ёзувдим. Кўрдим. Бироз тахрир қилибсан. Ўзим ҳам шовиб ёздим. Начора, ҳарна айтмоқчи бўлган фикрларим қолибди-ку! Фикривалдан худо сақласин. Шартларингга кўндим, розиман.

Шу кунларда бандоқман. Бир қишлоқдош дўстим келувди. Бирорта санаторийга жой-лаштириш керак эмиш. Ўзи бироз жойда иш-ламайди. Бунга қари, таъида машинанинг дода-си. Бошида норка телпақ. Қийилари ҳам қичи-ридан. Худди бир пайтдаги раисларга ўхшайди. Мени атайлаб излаб толибди. Бир пайтлар "Сен одам бўлмайсан" деган эканман. "Мана одам бўлдим, кўриб қўй" деб бироз гинахонлик ҳам қилди. "Юр, сенга бир зифат берай", деб Юнусободдаги ресторандан бирига олиб борди. Ҳашамини кўриб, бошим айланиб, қаерга келганимни ҳам унутиб қўйдим. Тошкентда яшаб бизлар шундай жойлар борлигини билмай-миз. Шу десанг, Ҳожибой айтмоқчи: Одам! Нақ бир-бирининг устига йўқилай дейди! Жуда кўп. Шукур қилиш керак. Бундай фаровонлик қайда бор! Кўнглинг нимани тусаса, ҳаммаси дастур-хона муҳайй. Айрим ота-налар ҳатто бола-қақаси билан шу ерда. Халқимизнинг ниҳоятда пазандалигини шу ерда кўрсан. Нимани буор-сан, шу захоти тайёрлаб келишади. Хизмат-чилар бирам ҳушмуомалани, пазандалик бўйича танлов ўтказилса, ўшалар соғирдор бўлади. Ас-лида улларга соғир ҳам керак эмас. Шундай ҳам лотерейаси ҳар кун ютуқ чиқиб турибди.

Гаш орасида дўстимнинг нима ишлар билан машғулликни секин сўрадим. "Яшириб нима қиламан", дейди у. Бизнинг безице бошқачароқ. Ҳожаббарорлик, деса ҳам бўлади. Еки оракаш-лик. "Тушунмайман" дедим. Қиракашлик, нос-кашлик бўлади, энди оракашлик ҳам чиқибди-ми? "Нимага тушунмайсан, муҳтожларга ёрдам бераман" деди қилётган ишдан ҳўзуралиб. Аввалига хурсанд бўлиб кетдим. Ҳақиқатдан ҳам савобнинг тағида қолдиган иш экан, де-сан, бир ички пайёлар сўнг машғулоти ни ўзи аён қилди. Хуллас, Пластик харточкалардаги нули 20-30 фоизга "обна" қилиб бераркан. "Пул моря" дейди. Банкодам танчишим бор, касалларокам деб бироз кериди. Ахмадбойга ўхшаб қўлга тушиб қолсан, нима қилсан?" дедим ачинаб. "Хавотир олма, улар ҳам ўзи-миздан, яқинда мулк солиғини тўлагани бор-сан. Солиқ идорасининг ёнидаги қасса кўри-қовчици "Оқа, сизники "на" ми, дейди. Бил-димки, унинг ҳам иккинчи касби шунақа экан". Бунисига нима дейсан?!

ИНСОФ САРИ БАРАКА

Дўстим Чаток, хатингга ис-минени қўймай тўғри қилибсан. Муҳаммад исми жуда улуг! Уни пок тутмоқ керак. Қанийди ҳамма Муҳаммадлар ҳам сенга ўхшаб ўйлаша! Бир ахаконим бор. Жуда маданиятли инсон. Катмар. Ўз исмини пок тутиб яшагани учун ҳам мартабаси баланд, руҳи хотиржам, обрўси жойида. Бир кун у киши: "Отам мени ёлларга чақириб, "Узлим, исминингни Пайғамбар-имиз Муҳаммад саллоллоху алайху вассаломнинг исмидан олиб қўйганмиз. У зоти шариф-га муносиб уммат бўлинг. Барча ёмон одатлардан ўзингизни тийинг, бу исми пок тутгай-сиз" деб насихат қилганлар" деб қаддиар. Очиғи тасвирла-ниб кетдим. Ҳурматим янада ошди. Исмининг хосияти-да бу. Сен ҳам тўғри қилибсан.

Энди дўстимнинг оракаш-лик машғулотига келсан, унинг қилган қилмишни сўхўрликдан ўзга нарса эмас. Фоизга иш-лаб топилган лўкма харом. Бу диний томондан беришдан баҳо. Ижтимоий томондан олиб қаралса, бориб турган жино-ятдир. Аслида дўстимни са-наторийга эмас, ундан нари-роққа жойлаштириш керак.

ЭЪЛОНЛАР
Фуқаро Амиров Баҳо-дир Алимджановичга тегишли Тошкент шаҳри Олмазор тумани Селзор Ц-17-18 мавзеси 4-уй 178-хонадоннинг уй ҳужжатла-ри йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Қоратош мавзеси 35-уйда жойлашган Далашев Равшан Раҳимовичга тегишли 15-хонадон учун 1998 йил 10 мартда берилган 09-02/10300 рақамли давлат ордери йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Ўзбекистон миллий теле-радиокомпанияси "Sport" телерадиоканали жамоаси телерадиоканал мухбири Бекзод Жўрабоевга онаси МУҲАББАТХОН янинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузу-ридаги нодавлат-ношжорат ташкилотларини ва фуқаролик жа-миятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жа-моат фонди томонидан давлат сирини ажратилган "Ўтми-ши улуг халқнинг келажаги ҳам буюк бўлади" номи лойиҳа-си асосида чоп этилмоқда.

«АСАКА» БАНК БИЛАН ТАДБИРКОРЛИК САРИ
Хурматли юртдошлар!
«Асака» банкнинг имтиёзли кредитларидан фойдаланиб ўз бизнесингизни ташкил этинг.
Сизнинг куч ва имкониятингизни, қобилият ва салоҳиятингизни рўёбга чиқариш учун «Асака» банк томонидан барча имкониятлар ва шароитлар яратилган.
Мурожаат учун телефонлар:
«Асака» банк Бош офиси (371) 120-26-40
Қорақалпоғистон филиали (365) 222-50-37
Сурхондарё вилоят филиали (376) 770-82-11
Андижон вилоят филиали (374) 223-60-44
Сирдарё вилоят филиали (367) 225-28-61
Асака филиали (374) 233-23-68
Тошкент вилоят филиали (371) 120-84-09
Фарҳод филиали (374) 226-97-52
Фарғона вилоят филиали (373) 244-91-80
Бухоро вилоят филиали (365) 770-01-18
Олтиариқ филиали (373) 432-18-31
Бухоро шаҳар филиали (365) 770-15-42
Кўхон филиали (373) 552-61-05
Жиззах вилоят филиали (372) 226-35-96
Марғилон филиали (373) 237-60-72
Қашқадарё вилоят филиали (375) 221-17-03
Хоразм вилоят филиали (362) 228-14-91
Навоий вилоят филиали (436) 223-08-70
Тошкент шаҳар филиали (371) 120-83-30
Зарафшон филиали (436) 573-18-80
Автотранспорт филиали (371) 120-39-12
Наманган вилоят филиали (369) 227-89-23
Сирғали филиали (371) 120-83-99
Самарқанд вилоят филиали (366) 233-66-92
Шайхонтоҳур филиали (371) 140-39-31
Афросиёб филиали (366) 221-71-76
Юнусобод филиали (371) 221-86-48